БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 303 (16.689). | 30 декабрь 1976 йил, пайшанба | Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ АМЕРИКАЛИК СИЁСИЙ ОБЗОРЧИ Ж. КИНГСБЕРИ-СМИТНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

Савол: Янги йил муносабати билан Сиз Америка халқига нималар дейишни истардингиз?

Жавоб: Яқинлашиб келаётган йил совет кишилари учун юбилей йили бўлади. Бу — Ленининг машҳур Сулҳ тўғрисидаги декрети белгиси остида вужудга келган Совет давлати яшаб келаётганлигининг 60-йилидир. Бинобарин, бу йил тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, давлатлараро муносабатлардаги бирдан-бир оқилона, бирдан-бир мақбул норма бўлмиш тинч-тотув яшашни янада қарор топтириш йўлида янги катта қадамлар қўйилиши билан нишонланишини истардик, албатта.

Иккала мамлакатимиз оқилона иш тутиб ва улардан ҳар бирининг ҳозирги дунёдаги масъулиятли мавкени ҳисобга олиб, тинчлик ишига ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшишлари мумкинлигини тарихий тажриба тасдиқлаб турибди.

Шу қулай фурсатдан фойдаланиб, Америка гражданларига ўз номимдан ва Совет Иттифоқининг барча халқлари номидан самимий янги йил табрикларини қувонч билан йўллайман.

Савол: СССР ва АҚШ бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиб, яқин тинчлик ва Совет—Америка муносабатларини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб 1977 йилда, Сизнинг фикрингизча, қандай энг муҳим қадамларни қўйишлари мумкин?

Жавоб: Бу ҳусусида давлатларимиз жуда кўп иш қилишлари мумкин, деб ўйлайман. Энг муҳим нарсанигина айтиб ўтаман: Биз 1974 йилда Владивостокда эришилган аҳдлашув асосида стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги Совет—Америка битими борасидаги ишни имкони борича тезроқ тугаллаш тарафдоримиз. Бутун инсониятга даҳлдор бўлган бу ишда бизнинг томондан ҳеч қандай тўсиқ бўлган эмас, йўқ ва бўлмайди ҳам. Совет—Америка битими қуролланиш пойгасини самарали тўхтатиш йўлида қўйиладиган ҳозирги энг муҳим қадам бўлиши шубҳасиз. Бу вазифанинг ҳал этилиши ҳозирги замоннинг бош вазифаси — ядро урушига йўл қўймаслик билан жуда бевосита боғланган. Қурол-яроғнинг янада даҳшатлироқ турлари ва системаларини ишлаб чиқиш давом этаётган бир шароитда битимни пайсалга солиш эса, аксинча, тинчликка, халқаро стабилликка ва хавфсизликка нисбатан янги хавф-хатар вужудга келтириши мумкин. АҚШнинг янги сайланган президенти Ж. Картернинг яқинда айтган гапига қараганда, Америка томони ҳам бу масаланинг актуаллигини тушунганлиги кўриниб турибди. Бу — тез орада муваффакиятга эришиш белгиси, деб умид қилишни истардик.

Ғарбдаги — ҳам АҚШдаги, ҳам НАТОнинг бошқа мамлакатларидаги баъзи доираларнинг позицияси биз, Совет Иттифоқидагиларни таажжубга солаётганлигини айтмай ўта олмайман. Улар ўзларини кейинги йилларда гўё ҳеч нарса содир бўлмагандек, ҳеч нарса ўзгармагандек ва дунё ҳамон «совуқ уруш» ҳолатида тургандек тутмоқдалар. Улар СССР томонидан гўё «уруш ҳавфи» кучайиб бормоқда, деган баҳона билан кетма-кет шовқин-суроқли кампаниялар ўтказмоқдалар, ҳарбий мақсадлар учун тобора янги-янги маблағлар ажратишини талаб қилмоқдалар, қуролланиш пойгасини кучайтирмоқдалар.

Бизнинг фикримизча, иш шу зайилда давом этмаслиги керак. Биз сиёсий кескинликни юмшатишга эришиб, шу қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланишнинг туб масалалари билан чинакамига шуғулланиш учун ҳам йўл очдик. Шуни яна бир карра аниқ-равшан қилиб айтиб қўймоқчиман: Совет Иттифоқи ҳеч кимга таҳдид қилаётгани йўқ ва ҳеч кимга ҳужум қилмоқчи ҳам эмас. Ўзини-ўзи ҳавои таҳдидлар билан чўчитиш ярамайди, бунинг ўрнига шу соҳадаги мажуд проблемалар ва имкониятларни амалий ва конструктив муҳокама қилиш керак. Қуроллароғларни қисқартириш гўё миллий хавфсизликни таҳлика остида қолдиради, деган мулоҳаза билан қуролланиш пойгасини давом эттиришни оқлаб бўлмайди. Деписниб турриш, тинимсиз қуролланиш пойгасини давом этишига йўл қўйиш ҳозир ялпи хавфсизликни кўпроқ хатарли таҳлика остида қолдиради.

Биз 1977 йил қуролланиш пойгасини тўхтатиш ишида ҳақиқатан ҳам бурилиш йили бўлиб қолишини жуда истардик. Ўшанда бу йил, шубҳасиз, тарихда муносиб ўрин олади.

Савол: Сиз Американинг янги президенти билан 1977 йилнинг яқин вақти ичида иккала томон учун мақбул бўлган жойда учрашиш мумкинлигини табриклайсизми?

Жавоб: Тажриба, шу жумладан Совет — Америка муносабатлари тажрибаси олий даражадаги учрашувларнинг фойдали ва самарали эканлигини, бу учрашувларда ҳар бир томон конструктив, амалий музокора ўтказишга интилишини кўрсатди. Шу сабабли биз бу тажрибанинг давом эттирилиши тарафдоримиз. Навбатдаги Совет—Америка учрашувининг вақти, табиийки, ўзаро келишиб ва тегишли масалаларда эришиладиган силжишларга қараб белгиланади.

Провардида КПСС XXV съездида айтган гапимни такрорламоқчиман: бизнинг мамлакатимиз Совет—Америка муносабатларини янада яхшилаш йўлини ўтказишга қаттиқ аҳд қилган, бу эса Америка ва Совет халқларининг манфаатларига, шунингдек ялпи тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушади.



Электр энергияси халқ хўжалигида техника тараққиёти даражасини белгилаб берувчи етакчи омиллардан бири. Буни яхши билган Тошкент ГРЭСи нурчилари қувватлардан унумли фойдаланиб, йил сайин кўплаб электр энергия ҳосил қилмоқдалар. Суратда: корхона энергоблокининг бошқарув шчитларидан бирини кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Енгил саноат корхоналарининг ходимлари кийим-кечак, пайпоқ, тўқимачилик галантерия ва мўйна маҳсулотлари, нотўқима газламалар тайёрлаш йиллик планини барвақт бажардилар. Йил охиригача пландан ташқари 600 миллион сўмлик кийим-кечак, 20 миллион жуфтдан зиёд пайпоқ, 30 миллион сўмлик тўқима-галантерия маҳсулотлари, 70 миллион сўмлик мўйна, 5 миллион квадрат метрдан кўпроқ тўқилмаган газмол тайёрланади.

* * *

Маданий-маиший ва уй-рўзғор асбоблари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг ходимлари шундай моллар ишлаб чиқариш умумий ҳажми бўйича йиллик планни барвақт бажардилар.

«МОЛНИЯ-3» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Ер сунъий йўлдошларидан фойдаланган ҳолда алоқа системаларини янада ривожлантириш программасига мувофиқ 1976 йил 28 декабрь куни Совет Иттифоқида бортида системанинг сантиметрли тўлқин диапазонида ишлашни таъминловчи ретрансляция аппарати бўлган «Молния-3» алоқа йўлдоши эллипссимон баланд орбитага учирилди.

«Молния-3» алоқа йўлдоши Совет Иттифоқида олис телефон-телеграф радио алоқаси системасидан фойдаланишни, СССР Марказий телевидениесининг программаларини «Орбита» ва халқаро ҳамкорлик тармоқлари пунктларига юборишни таъминлаш учун мўлжаллангандир.

«Молния-3» йўлдоши орқали алоқа сеанслари белгиланган программага мувофиқ ўтказиб турилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда «Комсомолец Узбекистана» газетасининг 50 йиллиги муносабати билан «Комсомолец Узбекистана» газетаси — хатлар бўлимининг ҳисобчиси Галина Михайловна Долговага, редакциянинг масъул секретари Юрий Николаевич Зряшчевга, бўлим мудири Раиса Шнееровна Могилевскаяга, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмахонасининг ҳарф теруючиси Фаина Иосифовна Музаффаровага ва газета редакторининг ўринбосари Анатолий Максимович Сухоноса «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонини берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуоти, полиграфиясида узоқ йиллар, самарали ишлаганлиги ҳамда «Комсомолец Узбекистана» газетасининг 50 йиллиги муносабати билан «Комсомолец Узбекистана» газета редакциясининг ходимлари, газетанинг актив штатсиз мухбирлари, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ходимларидан бир группасини Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЁШЛАР ГАЗЕТАСИГА — ВАТАН МУКОФОТИ

Республика йигит-қизларининг газетаси бўлган «Комсомолец Узбекистана» газетаси ўзининг ярим асрлик юбилейини ёшларни меҳнат жасоратига ундовчи жўшқин ғайрат-ташаббусга тўлган ҳолда кутиб олмоқда.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида 29 декабрь куни юбиляр шаънига қизғин табрик сўзлари янгради. Бу ерга, газетанинг 50 йиллигига ва унга «Ҳурмат Белгиси» ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишга ишчи ва қишлоқ ёшларининг, студентларнинг, ўқувчилар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, матбуот, телевидение ва радио ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари келишди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайлашди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов «Комсомолец Узбекистана» газетаси редакциясининг коллективини, унинг кўп сонли авторлар активини, матбаачиларни, газетхонларни, республиканинг барча ёшларини газетанинг 50 йиллиги ва Ватаннинг юксак мукофоти билан Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан самимий табриклади.

«Комсомолец Узбекистана» газетаси Коммунистик партия гояларини ёшларга баланд руҳ билан етказиб келди ва етказиб бормоқда, ёшларни гоявий-сиёсий тарбиялашда республика партия ташкилотининг жанговар ёрдамчисидир. Газетанинг «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланишида партиямиз Марказий Комитетининг, унинг Сиёсий бюросининг шахсан Леонид Ильич Брежневнинг ёшлар ҳақида, коммунистик қурилишда совет матбуотининг ролини ошириш тўғрисида ҳормай-толмай оталарча қилаётган меҳрибонлиги намоён бўлди.

Леонид Ильич Брежнев туғилган кунинг етмиш йиллиги муносабати билан унинг номига келган қизғин табрикномаларда ва билдирилган энг самимий истакларда меҳнат аҳли Улуғ Ленин партиямизга, унинг Марказий Комитетига, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарига ўзларининг ғоят зўр ишончини ва чуқур миннатдорчилигини изҳор этдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг етмиш ёшга тўлганлигини байрам қилиш партия ва халқ мустаҳкам бирлигининг, совет кишиларининг ўз жанговар авангарди — КПСС теварагига жипслашганлигининг, улар ўнинчи беш йилликни меҳнатда янгидан-янги зафарлар билан нишонлашга интилаётганликларнинг тўлқинлантирувчи намойишига айланди.

Ўнинчи беш йилликда қўйилган вазифалар, партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорлари туфайли омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги ғоят жўш урганлиги партия ва комсомол матбуотидан, бутун матбуотимиздан ўзининг ишини ҳормай-толмай такомиллаштиришни талаб этади. Илҳомбахш меҳнатни, беш йиллик қаҳрамонларини ёркин, завқ-шавқ билан ёритиш, оммани ижоди туфайли вужудга келган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ленинча иш услубини қарор топтиришга, совет кишиларини катта ва кичик вазифаларни ҳал этишга давлат нуқтаи назаридан ёндашишга актив кўмаклашиш матбуотнинг фахрли бурчидир.

Ёшларни, комсомолларни ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда, иш сифатини яхшилашда фаол қатнашишга сафарбар этиш, улар ўзларининг бутун қалб ҳароратларини, билимлари ва қобилиятларини партиянинг улуғ режаларини амалга оширишга бағишлашларига эришиш — комсомол матбуотининг муҳим масъулиятли ишидир.

Комсомол, унинг матбуот органлари бутун диққат-эътиборини ишчи ва қишлоқ ёшларини, студентларни, мактабларнинг ўқувчиларини, техникумлар, ҳунар-техника билим юртларининг талабаларини партияга, Ватанга, коммунизм ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялашга қаратишлари зарур.

Ҳаётнинг ўзи, коммунистик қурилишнинг кенг қанот ёйганлиги комсомолнинг сиёсий ва ташкилотчилик иши олдига янги юксак талабларни қўймоқда, сиёсий ва ташкилотчилик ишларини янада такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги масалани, самарадорлик ва сифатни ошириш масаласини қўймоқда. КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун, ўнинчи беш йилликни муддатидан илгари адо этиш учун курашдан иборат умумхалқ ишига ёшларнинг қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш керакки, булар комсомол иши самарадорлиги ва сифатлилигини конкрет равишда билдиради, бугун ҳар бир комсомол ташкилоти, ҳар бир комсомол группасидан шу нарса талаб этилади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш новаторлари билан ижодий ёшлар билан ишлаш барча комсомол ташкилотлари, ёшлар газеталарининг доимий иши бўлиши керак. Ёшларга бағишланган газета материалларида ва эшиттиришларда социалистик Ватанимиз қаҳрамонона зафарларининг манбаларини, коммунизм идеалларига, социалистик интернационализм, совет ватанпарварлиги ,халқлар дўстлиги идеалларига чексиз садоқат, ёшларни революцион, меҳнат ва қаҳрамонона анъаналар руҳида тарбиялаш мавзуларига ҳамиша алоҳида эътибор бериш керак.

...Узбекистон ССР ёшларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги самарали иши учун республика ёшларининг «Комсомолец Узбекистана» газетасини «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони ўқиб эшиттирилади. Ш. Р. Рашидов газета байроғига ордении гулдурос қарсаклар остида тақиб қўяди.

«Комсомолец Узбекистана» газетасининг редактори Г. П. Мара-Новик юксак мукофот учун партия ва ҳукуматга самимий миннатдорчилик изҳор этди. У ёшлар газетасининг ярим аср мобайнида босиб ўтган йўли тўғрисида гапириб берди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг табрикномасида «Комсомолец Узбекистана» газетаси амалга ошираётган катта ишлар ҳақида, журналистлар коллективи олдида турган вазифалар ҳақида гапирилди. Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов ана шу табрикномани ўқиб эшиттирди.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг разметкачи инженери, СССР Олий Советининг депутати Т. К. Ляшко, Қозоғистон ёшларининг «Ленинская смена» газетаси редакторининг ўринбосари С. А. Подгорбунский, Т. Г. Шевченко номли Нукус Давлат университетининг студенти Р. Олламуродова нутқ сўзладилар. Улар коммунистик қурилишда, ёшларни тарбиялашда «Комсомолец Узбекистана» газетасининг катта хизмати борлигини таъкидлаб, журналистларга улкан ижодий зафарлар тилашди.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, О. У. Салимов, Т. Н. Осетров, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалян, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, М. Д. Мухортов тантанали йиғилишда иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1977 ЙИЛДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети 1977 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Қабул қилинган қарорда республикадаги область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Киев области чорвадорларига йўллаган табрикномасига амал қилиб, ўз резервларини ўрганиб чиқиб, 1977 йилда гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида чорвачиликни янада ривожлантириш учун фермаларда ва хўжаликларда социалистик мусобақани авж олдириш вазифаси топширилди.

Бутун ташкилотчилик ва сиёсий иш чорвачиликнинг барча тармоқларини интенсивлашга, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга, кузги-қишки даврда чорва ва парранда маҳсулдорлигини оширишга қаратиб, чорвачилик ҳамда озуқа тайёрлаш юзасидан Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш лозим.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Узбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига чорвадорларнинг 1977 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун бошланган социалистик мусобақасининг боришини кенг ёритиш топширилди.

1977 ЙИЛДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини амалга ошира бориб, 1976 йилда деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар, давлатга пахта, дон, сабзавот, мева, гўшт, сут ва бошка маҳсулотларни сотиш юзасидан олинган юксак мажбуриятларни муддатидан илгари бажардилар. Улар ҳозирги вақтда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш ва 1977 йилги ҳосил учун кузги-қишки тадбирларнинг ҳаммасини бажариш йўлида зўр ғайрат билан иш олиб бормоқдалар.

Киев область чорвачилик ходимларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга йўлланган мактуби ва Леонид Ильичнинг жавоб хатида Киев область меҳнаткашларининг янги ватанпарварлик ташаббусига берилган юксак баҳо биз, Тошкент областининг чорвадорларини ғоят руҳлантириб юборди. Биз ана шу муҳим ҳужжатларни муҳокама қилиб, киевликларнинг мамлакат чорвадорларига ҳар бир хўжаликдаги ички резервларни қидириб топиб, ишга туширайлик, шу йилнинг қиш фаслидаёк чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ғоят кўпайтириш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўрайлик, деб қилган даъватини қўллаб-қувватлаймиз. Биз Киев областидаги чорвадорлардан ўрнак олиб, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида колхозларда ва давлат хўжаликларида 38 минг тонна гўшт, 138 минг тонна сут, 240 миллион дона тухум етиштиришга қарор бердик. Бу — 1976 йилда эришилган даражадан анча ортиқдир.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланган суръатлар бу маҳсулотларни давлатга анча кўп сотиш имкониятини беради. 1977 йилда 33 минг тонна гўшт, 113 минг тонна сут, 215 миллион дона тухум сотиш мажбуриятини оламиз. Бу — белгиланган планлардагига нисбатан 5,2 минг тонна кўп гўшт, 19,8 минг тонна кўп сут ва 11 миллион донадан зиёд тухум етиштиришигин қар ҳосилдорлигини ошириш, озуқаларни тайёрлаш ва қайта ишлаш прогрессив технологиясини кенг жорий қилишга эришамиз, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширамиз. 106 озуқа цехи ва махсус озуқа майдончаларнинг узлуксиз ишлаб туришини таъминлаймиз.

лар етиштириладиган 11 та ихтисослаштирилган ферма ва хўжалик ишлайди. Бу ферма ва хўжаликларда 10 минг бош ғунажин боқиб ўстирилади.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида гўшт етиштиришни тамомила саноат негизига кўчирамиз. Молларни семиртириб боқишнинг интейсив методларини кенг жорий этамиз. 1977 йилда давлатга ҳар бирининг тирик вазни камида 400 килограмм келадиган қорамол, 110 килограмм келадиган чўчқа, 50 килограмм келадиган қўй топширамиз. Ихтисослаштирилган хўжаликларда, чорвачилик комплексларида ва хўжаликлараро бўрдоқичилик базаларида гўшт етиштиришни 16 минг тоннагача ёки умуман областда етиштириладиган гўштнинг умумий ҳажмига нисбатан 43 процентга етказамиз.

Саноат негизидаги паррандачиликни янада ривожлантиришга эришамиз, паррандаларни катакларда боқиш усулини кенг қўлланамиз. Ҳар бир товуқдан 185 дона тухум олишга эришамиз. Етиштириладиган жамики тухумнинг 85 процентини ихтисослаштирилган паррандачилик хўжаликлари ва паррандачилик фабрикалари ҳисобига олишни таъминлаймиз. Парранда гўшти етиштиришни кўпайтирамиз.

Ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаймиз, озуқа экинларини такрор экиш, ёралаштириб экиш ва оралатиб экиш ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини оширишга, озуқаларни тайёрлаш ва қайта ишлаш прогрессив технологиясини кенг жорий қилишга эришамиз, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширамиз. 106 озуқа цехи ва махсус озуқа майдончаларнинг узлуксиз ишлаб туришини таъминлаймиз.

[Давоми иккинчи бетда].

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Пардагул РЎЗИМОВА — Қорақалпоғистон АССР Беруний районидаги Беруний номли совхоз бригадири.

Исоқ ҚАМБАРОВ — область Қува райониидаги «Коммунизм» колхозининг бригадири.

Фармон БОЛТАЕВ — Самарқанд область Хатирчи районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригадири.

КАН О Нам — Тошкент область Ўрта Чирчиқ райониидаги Энгельс номли колхоз бригадири.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Узбекистонда меҳмон бўлиб турган Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Куба Революцион қуролли кучлар министри Рауль Кастрони қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Ш. Р. Рашидов партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосаларни амалга ошириш соҳасида Ўзбекистон партия ташкилоти қилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Меҳмон 1976 йилда қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш борасида республика меҳнаткашлари эришган ютуқлар билан, ўнинчи беш йилликда республика экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш истиқболлари билан таништирилди. Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Совет—Куба дўстлигини, бутун социалистик ҳамдўстлик бирлиги ва қудратини мустаҳкамлашга аҳду паймон қилганликлари суҳбат вақтида таъкидлаб ўтилди.

* * *

Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Куба Революцион қуролли кучлар министри Рауль Кастро, шунингдек Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикаси Давлат кенгашининг аъзоси, Куба хотин-қизлар федерациясининг раиси Вильма Эспин Узбекистон бўйлаб сафар қилдилар. Улар бир қанча саноат корхоналарига, колхоз ва совхозларга бордилар ,ишчилар, пахтакорлар, фан ва маданият арбоблари, партия ва совет ходимлари билан учрашдилар. Тошкент, Самарқанд, Навоий, Хива ва Урганч шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. (ЎзТАГ).

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ ЙЎЛИДАН

Ш. РАШИДОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг фикри-зикри ва ўйлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишга қаратилган. Республика меҳнаткашлари ўз ишларининг натижаларини партия съезди ва КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми талабларига қиёс қилмоқдалар, шу талабларни рўёбга чиқаришга зардбор меҳнат билан муносиб ҳисса қўшишга интилмоқдалар. Партия XXV съезднинг кенг меҳнаткашлар оммаси онгига сингиб кетган ғояларини енгилмас моддий куч бўлиб қолди.

* * *

Ўзбекистон пахтакорлари янги беш йилликни муваффақиятли бошладилар. Улар меҳнатда катта ғалаба қозондилар — давлатга пахта сотиш юзасидан олинган оширилган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 5 миллион 330 минг тонна — 1975 йилда топширилгандан 330 минг тонна ортиқ пахта элтиб берилди. Унинг 80 процентидан кўпроғини Ватан биринчи сортларга қабул қилди. Энг қимматли нингчка толали нав пахта етиштириш кўпайди.

Меҳнатдаги ана шу ажойиб ғалаба муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев йўллаган саломий ва сидқидил табрикнома, эзгу тилаклар Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларига яшин тезлигида тарқалди, одамларнинг ғайратига-ғайрат қўшди, уларда фахрланиш туйғусини кучайтирди, уларга янги ижодий куч бахш этди. Республика меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга Ўзбекистон меҳнатчилари қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, Леонид Ильич Брежневга чуқур миннатдорчилик ва астойдил ташаккур изҳор этмоқдалар.

Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг табрикномасини Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг Ўзбекистон халқ хўжалиги ва маданиятини мутасил юксалтириш ва янада гуллатиб яшнатиш тўғрисидаги эътибори ва ғамхўрлигининг янги тимсоли деб, Ленин партиясининг эришилган маррада тўхтаб қолмай, меҳнатда янгидан-янги ғалабаларга эришиш тўғрисида берган жанговар накази деб қабул қилдилар.

Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар ўз куч-ғайратларини КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишга, ўнинчи беш йиллик планларини тўла ва ошириб бажариш учун пухта замин яратишга, иш сифати ва самарадорлигини оширишга сарфламоқдалар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетининг октябрь Пленумида беш йиллик биринчи йилининг дастлабки якунларини ўзига хос умидворлик билан, халқнинг ижодий ва битмас-туганмас кучларига ишонч билан чуқур анализ қилганлиги, унинг танқидий мулоҳазалари, янги улуғвор вазифаларни ўртага қўйганлиги партия ташкилотларини, барча меҳнаткашларни аниқ ва конкрет ҳаракат программаси билан қуроллантирди.

Пленумда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ўнинчи беш йилликда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига, унинг сифат жиҳатига айниқса зўр берилмоқда. Беш йиллик планда ҳар бир иттифоқдош ва автоном республиканинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда эҳтиёжлари эътибор билан ҳисобга олинган, уларнинг уйғун равишда ривожланиши таъминланмоқда. Леонид Ильич Брежневнинг иборали таъбири билан айтганда, бизнинг беш йиллигимиз — халқлар дўстлигининг экономика тилида ифоданланган ленинча снёсатидир.

Партиянинг илмий асосланган иқтисодий снёсати, ўнинчи беш йиллик планнинг улканлиги ва буюклиги, унда мамлакат халқ хўжалиги энг муҳим кўрсаткичлари абсолют ўсишини энг юксак даражага кўтариш кўзда тутилганлиги совет кишиларининг социалистик Ватанимиз учун бўлган ифтихор туйғусини кучайтиради.

Партия ташкилотлари ҳар бир меҳнатчининг ўз шахсий ҳиссаси давлатимиз қудратини янада мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилишини чуқур тушунадиган ва англайдиган бўлишини ўз вазифалари деб билмоқдалар.

Вазифаларнинг кенг кўлами ва мураккаблиги ҳамма тармоқларнинг, ҳар бир корхонанинг, ҳар бир меҳнат коллективининг юксак самарали иши учун бўлган масъулиятни оширишни талаб қилади. Беш йиллик мобайнида республиканинг саноат маҳсулоти камида 36 процент ортиши керак.

Индустриямиз саноат маҳсулотини реализация қилиш планларини доимо, ой сайин ошириб бажарадиган бўлиб қолди. Шу энг муҳим кўрсаткич юзасидан бу йилги топшириқ муддатидан илгари ado этилди. Ҳозир ишлаб чиқаришнинг сифати ва самарадорлигини белгилаб берадиган ғоят муҳим проблемаларни ҳал этишга куч-ғайрат сарфламоқдамиз. Илғор техника ва технологияни жорий этишни жадаллаштириш, фонд самарадорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш шу проблемаларнинг энг муҳимларидир. Шу билан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш асосий масала экани табиий бир ҳолдир.

Партия, совет ва хўжалик органларининг куч-ғайрати ҳозирги вақтда ўнинчи беш йилликда саноатда меҳнат унумдорлигини оширишнинг салкам ярмисини янги техникани жорий этиш ва технологияни такомиллаштириш ҳисобига таъминлашга қаратилган, бироқ бу вазифа ҳозирча тўла-тўкис ҳал этилаётгани йўқ. Бир талай корхоналарда эскирган асбоб-ускуналар ҳамон сут алмаштирилмоқда, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш секин бормоқда.

Республиканинг айрим министрликлари ва идоралари планлаштиришда нуқсонларга йўл қўяётганликларини, ишлаб чиқариш планларини моддий-техника таъминоти билан пухта мувофиқлаштиришни таъминламаётганликларини айтиб ўтиш лозим. Кооперация асосида маҳсулот етказиб бериш графиклари бузилмоқда. Йилнинг дастлабки икки квартали кўрсаткичлари кўпинча пасайтириб белгиланмоқда. Бундай яроқсиз практика корхоналарнинг иш маромини бузмоқда ҳамда йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Шу боисдан ҳам фан-техника ютуқларини жорий этиш, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш республикада биринчи даражали иш деб ҳисобланмоқда.

Шаҳар ва қишлоқ меҳнатчилари партиямизнинг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, экономиканинг аграр секторини энг замонавий даражага кўтариш йўлини қизғин маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Кейинги йилларнинг бениҳоя ноқулай иқлим шароитларига қарамай шу йўлнинг, КПСС доно аграр снёсатининг самараларини ҳар бир киши ўз турмушида тобора кўпроқ сезмоқда. Давлат совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириши кўпайтириш учун шу пайтгача мисли кўрилмаган миқдорда катта маблағ, кўп миқдорда минерал ўғит ва техника ажратиб бермоқда.

Аввалгидек пахтачилик республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб қолади. Пахта етиштиришни кўпайтириш, мамлакатни шу қимматли хом ашё билан тобора кўпроқ миқдорда таъминлаш — Ўзбекистон деҳқонларининг, барча меҳнаткашларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчидир.

Бу йил ҳаддан ташқари ноқулай об-ҳаво шароитларида катта пахта хирмони учун бошланган жангда ютиб чиқдик. Кўкламда кетма-кет жала қуйиб турганлиги, ёзда 45 даражали жазирама иссиқ бўлганлиги ва суғориш учун керакли сувнинг етишмаслиги, терим даврида қаттиқ ёмғир ва қор ёққанлиги пахта етиштиришда ва ҳосил теримида қийинчилик туғдирди. Бироқ пахтакорлар уюшқоқлик, жипслик, ирода кучи ва юксак маҳорат туфайли табиат инжиқликларини енгдилар.

Республика партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари партиямиз Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва шахсан Ўртоқ Л. И. Брежневнинг эътибори ҳамда мададини доимо сезиб турдилар. Улар улуғ Ватанимизнинг қардошларча ёрдам берган халқларига ва аввало улуғ рус халқига чуқур миннатдорчилик изҳор этмоқдалар. Ўрта Осиё республикалари ва Озарбайжон пахтакорлари билан анъанавий мусобақа мўл ҳосил олинишига кўмаклашди.

Пиғим-теримнинг долзарб кунлари орқада қолди. Энди шуни айтиш керакки, мўл пахта хирмони учун олиб борилган умумхалқ курашига республиканинг ҳамма областлари, районлари, колхоз ва совхозлари ўз кучлари ва имкониятларига яраша муносиб ҳисса қўшдилар. Гектар бошига ўрта ҳисобда 30 центнер, Сурхондарё, Андижон, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм областларида эса 32-34 центнер пахта териб олинди. Тўрткўл, Пахтачи, Қуйи Чирчиқ, Беруний, Ленин, Избоскан, Жиззах, Шаҳрисабз, Денов, Шўрчи, Юқори Чирчиқ ва бошқа бир қанча районларнинг деҳқонлари энг мўл ҳосилдорликка эришдилар. Республиканинг кўпгина хўжаликлари гектар бошига 45-55 центнерлик аъло ҳосил билан Ватанни қувонтирдилар.

Замонавий агротехника ва илғор тажриба моҳирона қўлланган жойларда рекорд ҳосил олиниши мумкинлигини бу йил якунлари яна бир карра яққол исботлади. Бизда гектар бошига 50-60 центнер пахта олган бригадалар бор. Бунча ҳосил кечагина ҳаёлий бир нарса бўлиб туюлар эди. Бугун рекорд бўлиб қолди. Эртага эса кўпгина колхоз ва совхозлар учун норма айланади.

Партия ташкилотлари пахтачиликни фан-техника тараққиёти йўлидан, комплекс механизацияни жорий этиш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, ерларни мелиорациялаш ва химиялашни бутун чоралар билан кенгайтириш асосида ривожлантириш тадбирларини кўрмоқдалар.

Республика партия ташкилоти пахтачиликдаги комплекс механизацияни ниҳоясига етказишни алоҳида муҳим вазифа деб билмоқда. Ҳозир айрим жараёнларни механизациялашдан комплекс механизацияга ўтиш проблемаси биринчи ўринга қўйилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина хўжаликлар ва районлар илғор технология асосида ишламоқда. Улардаги меҳнат унумдорлиги республикадаги ўртача кўрсаткичдан 3-4 баравар юқоридир. Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларининг колхоз ва совхозлари ҳосилнинг 72-84 процентини машинада териб олдилар. Оқолтин, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Дўстлик, Мирзачўл, Бўка районларида ҳосилнинг 80-90 процентдан кўпроғи машинада терилди. Ўмуман республика механизаторлари икки миллион 900 минг тонна «оқ олтин»ни ёки бутун ҳосилнинг ярмидан кўпроғини «зангори кема»ларнинг бункерларидан тўкдилар.

Бу йил далаларда 30 минг агрегат ишлади. Юзлаб, минглаб механик-ҳайдовчилар мавсум давомида 250-300 тонна, уларнинг энг илғорлари эса 400-500 тонна пахта териб, шавкатли меҳнат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Булар орасида Т. Охунова, Х. Йўлдошев, М. Ковалева, В. Қорабоев, С. Усейнов, А. Солиев, С. Продан, А. Ҳамроев, Т. Дадажонов, А. Раҳимбердиева, Т. Жаканов, У. Мамадиёров, Х. Сафаров, Х. Пирматов ва бошқа кўпгина донгдор пахтакорлар бор.

Илғорларнинг ажойиб ютуқлари қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғи қайси йўлдан ривожлантирилиши лозимлигини кўрсатиб турибди. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликда янада мураккаброқ вазифаларни ҳал этиш лозимлигини тушуниб турибдилар.

Ҳосилдорликни ошириш — пахта етиштиришни кўпайтиришнинг бош резервидир. Кўпгина далаларни қондириб суғоришнинг иложи бўлмаяпти, бу эса ҳосилга катта зарар етказяпти. Шуни ҳисобга олиб, бу беш йилликда давлат капитал маблағи ҳисобигагина республикада 460 минг гектардан ортиқ янги суғориладиган ери ўзлаштириш, 800 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва обдон текислаш белгилаб қўйилди. Катта майдонда суғориш системаларини қайта қуриш, неча юз минг гектарлаб суғориладиган ерларнинг сув таъминотини ошириш, яйловларга сув чиқариш кўзда тутилди. Қарши, Жиззах даштларини, Мирзачўлни ва Қорақалпоғистондаги ерларни комплекс ҳамда интенсив ўзлаштириш давом эттирилади.

Биз йирик сув хўжалик объектлари қурилишида бой тажриба орттирганмиз. Масалан, Қарши магистрал каналини олайлик. Унинг узунлиги — бир юз етмиш километрга боради. Канал трассасида олтита кучли насос станцияси қурилган, улар ҳар секундда икки юз куб метр сувни 130 метр баландликка кўтариб беради. Бу азим дарё Қарши даштига оқмоқда, бу ерда янги пахтачилик совхозлари қурилиши қизғин давом этмоқда.

Андижон, Туямўйин ва Талимаржон сингари жуда катта сув омборлари жадал суръатлар билан қурилмоқда. Ўнинчи беш йилликда ўнлаб чоғроқ сув омборлари ва сув ҳавзалари қуриш белгилаб қўйилди. Ер ости ва коллектор сувларидан суғориш учун фойдаланиш кенг қулоч ёймоқда.

Бу — ерларнинг қиёфасини ўзгартириш ва яхшилашнинг ўз қўлами жиҳатидан мисли кўрилмаган программасидир. Бу программанинг амалга оширилиши пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради.

Бу йил ғаллакорларимиз жуда яхши меҳнат қилишди. Илгаи дон ҳосили икки миллион тоннадан ошди. Ватан омборига бир миллион 25 минг тоннадан кўп, яъни топшириқда белгиланганига нисбатан 1,6 баравар ортиқ дон тўкилди. Маккажўхорикорларни айниқса мақтаса арзийди. Республикада шу экин ҳосилдорлиги 62 центнерга, илғор бригадаларда эса 90-100 центнерга етди ва ундан ҳам ошиб кетди. Шоли етиштиришни анча кўпайтиришга эришилди. Уйинг ўртача ҳосилдорлиги 50 центнерга кўтарилди. Сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар бажарилди.

Ўтган уч йил мобайнида чорвачиликни саноат негизига ўтказиш, уни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида жуда катта иш қилинганлиги туфайли колхозларда ва давлат хўжаликларидаги чорва туёғи ҳамда парранда кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди. Шу давр ичида давлат йўли билан гўшт харид қилиш 18 процент, сут харид қилиш 24, тухум харид қилиш 36 процент кўпайди. Энг муҳими шуки, бизда пахтачиликни юксалтириш билан бир қаторда чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини планли ривожлантириш мумкинлигига қатъий ишонч ҳосил бўлди.

* * *

Беш йилликнинг биринчи йили вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга партия ташкилотларининг, айниқса бошланғич партия ташкилотларининг эўр ташкилотчилик ва сиёсий ишлари туфайли эришилди. Юксак жанговарлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик, ташаббускорлик ва ишчанлик, меҳнат коллективларидаги таъсирни кучайтириш — кўпгина партия ташкилотларининг ҳаёти ва фаолиятига хос белгилар ҳамда ҳодисалар бўлиб қолди. Яқинда тугалланган ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари худди шундан далолат беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари идеология ишининг сифати ва самарадорлигини оширмоқдалар, бу иш омманинг ижодий активлигини, онгли интизомини ошириш, уларнинг бутун кучларини янги жамият қурилишига сарфлашга тайёр бўлиб туриш вазифаларига мос келишига интилмоқдалар. Партия ташкилотлари ахборот ва пропагандадан, оммага идеологик таъсир ўтказишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибасини кенг равишда оммалаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Республикада мусобақанинг беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун қураш, муқобил планлар, турдош касб эгаларининг меҳнатдаги беллашуви, зардбор вахталар сингари формалари янада ривож топди.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам келгусидаги вазифаларнинг мураккаблиги ва миқёси кенглигини яхши тушуниб турибдилар. Шу сабабли партия ташкилотлари ҳар бир кишини, ҳар бир меҳнат коллективини энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишга, ишлаб чиқариш интизомига ва иқтисодий тежамкорликка қатъий риоя этишга, иш сифатини кун сайин яхшилашга сафарбар қилмоқда. Партия комитетлари кадрларни партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми талаблари руҳида тарбиялямоқдалар. Улар ҳар бир раҳбар ходим ва мутахассис ленинча иш услубини, бошқариш фанини, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил этишнинг замонавий методларини эгаллаб олишига, фан-техника тараққиётининг актив жонкуяри бўлишига интилмоқдалар.

Республика партия ташкилоти топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини кундан-кунга оширмоқда, уларни хотиржамлик, бепарволик, айниқса манманлик каби иллатлардан омон сақлашга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети у ёки бу ютуқни муносиб баҳолаш билан бирга асосий эътиборни камчилик ва нуқсонларга, қаерда, ким, қайси босқичда хатога ёки нуқсонга йўл қўйганлигига, резервларни очмаганлиги ва ишга солмаганлигига қаратмоқда. Партия комитетлари барча раҳбарларни тўғри, оқилона ечимларни қидириб топишга ундамоқдалар.

Партиямизнинг синалган қуроли, — танқид ва ўз-ўзини танқид камчиликларга қарши қураш ва кадрларни тўғри тарбиялашнинг таъсирчан воситаси сифатида кенг қўлланила бошланди. Бизда жиддий хатога йўл қўйётган ва қоидага хилоф иш қилаётганларгина эмас, шу билан бирга истиқболни кўрмаётганлар, ташаббус кўрсатмаётганлар, пассив ҳаракат қилаётганлар ҳам танқид қилинмоқда. Танқид ва ўз-ўзини танқид ҳар бир коллективда соғлом маънавий-сиёсий муҳитни вужудга келтиришга, омманинг меҳнат ғайратини ва сиёсий активлигини оширишга кўмаклашмоқда.

Мамлакатимиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига ҳозирлик кўрмоқда. Коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларидаги фидокорона меҳнат, янги-янги муваффақиятлар шу улуғ айёмга энг яхши туҳфа бўлади. Ленин партияси Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган Совет Ўзбекистонининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун бундан буён ҳам ҳормай-толмай ишлайверадилар.

(«ПРАВДА» газетасининг 29 декабрь сонидан).

Оҳангарон цемент комбинатининг технологлар коллективи ўнинчи беш йиллик биринчи йилини ажойиб зафарлар билан якунламоқда. Йил охиригача 1 миллион 700 минг тонна цемент ишлаб чиқаришдек юксак социалистик мажбурият шараф билан ado этилиб, 1977 йилда муваффақиятли меҳнат қилиш учун мустаҳкам замин яратилди. Тайёрланган маҳсулотларнинг кўпгина қисми давлат Сифат белгиси билан истеъмолчиларга жўнатилди. Суратда: корхонанинг зардбор ишчиларидан бири, айланма печ машинисти Бахтиёр Ботирбеков.

В. Сироткин фотоси.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!

ЭСТОНИЯ, ЛАТВИЯ ВА ЛИТВА саноати маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан йиллик планларини барвақт бажардилар. Ҳар бир республика йил охиригача пландан ташқари ўн миллионлаб сўмлик маҳсулот реализация қилади.

* * *

ҚИРҒИЗИСТОН саноати маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан йиллик планини муддатидан илгари ado этди. Йил охиригача пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Республикамизнинг шавкатли меҳнатлари учун мукофотларга сазовор бўлган илғор ходимлари 29 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига келдилар.

Бир группа ўртоқларга «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медаллари, Ўзбекистон ССРнинг фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка такиладиган тегишли нишонлар, республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Д. Ешимбетов топширди. (ЎзТАГ).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1976 йил 23 декабрдаги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 723 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилди. **[ЎзТАГ].**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларида узоқ йиллар самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг биринчи ўринбосари Ҳаким **Жалиловни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

«КОСМОС-887» ПАРВОЗДА

1976 йил 28 декабрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-887» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-хисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

ШОНЛИ САНА

МОСКВАДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Москва жамоатчилигининг намояндалари Куба халқининг катта байрами — Куба революциясининг 18 йиллигини тантанали вазиятда нишонладилар.

28 декабрда бўлиб ўтган йиғилиш президиумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Я. Пельше, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари К. А. Халилов, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари ҳозир бўлдилар.

Докладчи — СССР маданият министрининг ўринбосари Т. В. Голубцова Куба меҳнаткашлари Куба революциясининг шонли санасини Куба Компартияси Биринчи съезднинг ҳамда халқ ҳокимияти миллий ассамблеяси биринчи сессиясининг қарорлари туфайли халқнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда кутиб олаётганлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз халқлари ўртасида мустаҳкам дўстлик ва кардошлик алоқалари мавжуд, деди у. КПСС билан Куба Компартияси ўртасидаги ҳар тарафлама ҳамкорлик, Совет ва Куба коммунистларининг тамомила бир фикрда эканлиги шу дўстлик ва кардошликнинг пойдеворидир.

Йиғилишда Куба Республикасининг СССРдаги элчиси Северо Агире дель Кристо сўзга чиқди.

У Куба халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги революцион курашининг тарихи тўғрисида гапирди. Революциямизнинг эришган ҳар бир муваффақиятида, деди элчи, Совет Иттифоқининг ҳиссаси бор. Бутун Куба халқи Куба Республикасига кўрсатилган ёрдами учун совет халқидан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневдан миннатдордир.

Элчи совет халқига коммунизм қурилишида янгидан-янги муваффақиятлар тилади. (ТАСС).

КамАЗ ишга туширилди!

НАБЕРЕЖНИЕ ЧЕЛНИ (Татаристон АССР), 29 декабрь (ТАСС махсус мухбири В. Ионов). Бугун автомобиль саноати министри В. Н. Поляков раислигидаги Давлат комиссияси КамАЗ кўп юк ортувчи автомобиллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи навбатини юксак баҳода фойдаланишга қабул қилиб олди.

КамАЗни қурган коллективлар вакилларининг йиғилиши ана шу муҳим воқеага бағишланди. Йиғилиш қатнашчилари Набережние Челнида йиллига 75 мингта кўп юк ортадиган автомобиль ҳамда 115 мингта дизель мотор ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилганлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советига рапорт қабул қилдилар. КамАЗ ишга туширилди!

Мамлакатимизнинг ҳамма томонларидаги юзлаб коллективларнинг шу катта қурилишда ҳиссаси бор. Бу ерда, Кама соҳилида қардош социалистик мамлакатлар ўзаро манфаатли иқтисодий интеграцияси яна бир бор амалда намоён бўлди. КамАЗни ускуналашда капиталистик мамлакатларнинг бир қанча фирмалари ҳам қатнашди.

Қурилишда эришилган муваффақият — КПСС, унинг Марказий Комитети, Сиёсий бюро ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев дадил амалга ошириб бораётган тинчлик сиёсатининг янги ғалабаси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Ишга туширишда, созлаш режимида ишлаётган КамАЗ бош конвейеридан беш мингинчи юк автомобили якиндагина тушганди. Автомобилсозлар завод ишга туширилиши олдидан чиқариш мўлжалланганига нисбатан мингта кўп машина ясадилар.

Ҳозирги пресс-рама заводи ўрнида ер илк бор ўйилган кундан беш мингинчи автомобиль ясаб чиқарилгунича 1823 кун ўтди. Лекин шу вақт ичида бу ерда қанчадан-қанча воқеалар юз берди, одамларнинг табиатлари намоён бўлди, инсоний тақдирлари қарор топди!

Комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Алексей Новолодский — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. У Вилюй ГЭСи билан Иркутск ГЭСини қуришда қатнашган киши. Энди бўлса, мана КамАЗни қурялти. Равис Савирзянов бу ерда ишни ёрдамчи ишчи бўлиб бошлаганди. Ҳозир эса, уйсозлик комбинати монтажчиларининг бригадири, КПСС XXV съездига делегат қилиб сайланган киши. Якутиялик шофер Валерий Перетолчан «КамАЗ»ларнинг энг яхши синовчиси бўлди, кўплаб ишлаб чиқарилган Кама автомобилини биринчилардан бўлиб ишлатиб кўрди.

Бу ерда бунаканги кишилардан минг-минглаб топилади. Шундай кишиларнинг куч-ғайратлари билан юз квадрат километр майдонда жуда кўп бетон ётқизилди, металл конструкциялар, энг янги машина-ускуналар монтаж қилинди. КамАЗ — ўзаро коммуникация ва конвейерлар билан боғланган заводлар комплексидир.

Ҳозир Набережние Челнида 3,6 миллиард сўмдан ортиқ пул ўзлаштирилди. Қурилиш давом эттирилаётган бўлсада, айни маҳалда маҳсулот ҳам чиқарилмоқда. Тўкис, тезюрар, чидамли Кама автомобиллари мамлакатнинг турли чеккаларида ишлаб турибди. КамАЗ тўла қувватга эришгач, ҳар йили 150 мингтагача кўп юк ортадиган автомобиль ва 250 мингта дизель мотор ишлаб чиқарадиган бўлади. Шундан сўнг мамлакат автомобиль паркининг структураси анча ўзгаради ва самарадорлиги ошади. СССРда ҳар йили ғайёрлаб чиқариладиган автомобилларга тўғри келадиган жами юк бир ярим баравар ошади. Кучли автопоездлар орқали марказлашган ҳолда юк ташиш анча кўпаяди.

Набережние Челнидаги завод комплекси ва гуриллаб ўсаётган янги шаҳар Бутуниттифоқ зардбор қурилишидир. Ҳозир унда 250 мингдан ошиқ киши яшамоқда. Каманинг баланд сохилида кўп қаватли уйжой кварталлари қад кўтарди. Уларнинг сони 2 миллион квадрат метрдан ошиб кетди.

Бугун автомобиль заводи корпуси устида: «КамАЗ биринчи навбати ишга туширилди»! Иккинчи навбатини барвақт ишга туширамиз!» деган катта транспарант кўтарилди.

СОВЕТ ЖАМОАТЧИЛИГИ Л. КОРВАЛАН БИЛАН УЧРАШДИ

Чили демократлари билан бирдамлик Совет комитетида Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан билан учрашув бўлди. Комитет раиси, ВЦСПС секретари С. А. Шалаев, совет жамоатчилигининг бошқа вакиллари ўртоқ Л. Корвалани самимий табрикладилар. Улар ўз сўзларида Чили халқи содик фарзандининг озод этилиши — Чилида фашистлар ҳарбий хунтаси ўрнатган террорчилик режимига қарши курашаётган жаҳондаги барча демократик, прогрессив кучларнинг катта ғалабасидир, деб таъкидладилар.

Мен, деди ўз нутқида ўртоқ Л. Корвалан, мени ва бошқа кўп сиёсий маҳбусларни озод этиш ишига кўшган ҳиссалари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга, Совет ҳукуматига, барча совет кишиларига катта миннатдорчилик билдираман. (ТАСС).

ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

(Боши биринчи бетда).

1977 йилда ем-хашак тайёрлашни 536 минг тонна озуқа бирлигига ёки ҳар бир бош молга шартли равишда ҳисобланганда 40 центнерга етказамиз.

Фермалардаги мавжуд машина ва ускуналардан фойдаланиш коэффициентини оширамиз, чорвачиликдаги сермеҳнат ишларни тобора кўпроқ механизациялаштирамиз, сигирларни машинада соғишни, қорамол суғоришни механизациялашни 90 процентгача, ем-хашак тарқатиш ва биноларни тозалаш ишларини механизациялашни 50 процентгача етказамиз. Чорвачилик маҳсулотининг сифатини янада яхшилашга эришамиз, давлатга сортли сутнинг камида 95 процентини, шу жумладан биринчи сортли сутнинг 85 процентини, ғоят семиз молларнинг 85 процентини топширамиз.

Чорвачиликда меҳнат унумдорлигини 7 процент оширамиз, маҳсулотнинг таннархини 5 процент камайтирамиз, умуман областда чорвачилик рентабеллигини 5 процент оширишга эришамиз.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун чорвадорлар социалистик мусобақасининг авж олиб кетганлиги ва илғорларнинг ютуқлари ҳамда тажрибасини ишлаб чиқаришга тобора кенг жорий этиш — олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг қудратли омилидир.

Машинада сут соғиш устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати А. И. Чудная 1976 йилда 600 тоннадан зиёд, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исоқова 180 тоннадан зиёд сут соғиб жорий этиш — олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг қудратли омилидир.

Машинада сут соғиш устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати А. И. Чудная 1976 йилда 600 тоннадан зиёд, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исоқова 180 тоннадан зиёд сут соғиб Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози оператори И. Мирисломова ҳар бир бузоқнинг суткасига ўрта ҳисобда 900 граммдан семиришини таъминлади. Биз уларнинг тажрибасини, шунингдек областдаги бошқа илғор чорвадорларнинг тажрибасини кенг ёймиз.

Биз 1977 йилда юксак социалистик мажбуриятларни қабул қилиб, бу мажбуриятларни муддатидан илгари бажармоқ учун барча ички резерв ва имкониятларимиздан фойдаланамиз, ўнинчи беш йилликнинг бундан кейинги йилларида чорвачиликни янада тез ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор вужудга келтирамиз ва республикадаги барча чорвадорларни бизнинг ўрнак олишга чақирамиз.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ ФЕРМАЛАРНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ТОМДИ ЯЙЛОВЛАРИДА

ҚИШЛОВ — СИНОВ

Поёни кенг адирларда қишнинг аёзли кунлари ҳукмрон. Бетўхтов эсаётган изғирин юз-кўзларни очишга қўймайди. Лекин чўпонлик касбини шарафлаётган ва шу касбда донг таратаётган оташқалб кишиларнинг иродаси қишнинг аччиқ совуғидан ҳам устун келяпти. Чунки уларнинг шу кунлардаги мардонавор ишлари ана шундан далолат бериб турибди.

Томди яйловларининг баҳодирларидан бири, қариб 30 йилдан буён чўпонлик қилиб, қўй-қўзиларнинг сонини кўпайтириб келаётган, эл-юрт бойлигига бойлик қўшаётган тажрибали чўпон Уразали Пўлатов ўз ҳамкасблари қаторида яхши обрў-эътибор топмоқда. Меҳнатсевар коммунист чўпон неча йиллардан бери чўпонлик қилиб келаётган бўлса, шу давр мобайнида ўз ҳалол меҳнати билан элда танилди. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Илғор чўпоннинг мусобақадоши Алдажар Избосаров ҳам яйловларни қўй-қўзига тўлдириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда. У ўзининг шавкатли меҳнати учун «Ҳурмат Белгиси» ва учинчи даражали «Меҳнат шуҳрати» орденлари билан тақдирланди. У бу йил ҳам совлиқлардан кўплаб қўзи олишга муяссар бўлди. Ҳар юз бош совлиқдан 150 тадан қўзи олди. Ҳозир унинг отарида 620 та қўй меҳр билан парвариш қилинмоқда.

Яйлов баҳодирлари орасида ёшлар ҳам жасорат кўрсатмоқдалар. Айниқса чўпон қизларнинг бу машаққатли меҳнат йўлида тер тўкиб меҳнат қилаётганликлари ҳамда эришаётган кўпдан-кўп ютуқлари яна ҳам қувончлидир. Жумладан, Парнагул Жумагулова мана бир неча йилдирки, чўпонлик касбида яхши танилди. У «Октов» комсомол ёшлар бригадасини моҳирлик билан бошқараётир. У бошлиқ коллектив отарида 1700 бош мол боқилаётир.

...Томди районидаги Жабай Балиманов номли совхоз қоракўлчилари ўнинчи беш йиллиқнинг биринчи йили топшириқларини катта ғалаба билан якунладилар. Улар чорва туёғини кўпайтириш, қоракўл тери, жун, гўшт топшириш бўйича олинган социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажардилар. Хўжаликда ҳозир 54 минг бош қўй бор. Шундан 36520 таси совлиқлардан иборат.

Совхоз чўпонлари 1977 йилда ҳам юксак меҳнат кўрсаткичларига эришиш учун қатор тадбирларни белгилаб олмоқдалар. Улар ҳар юз бош совлиқдан 130 тадан қўзи олишга, 27871 та қоракўл тери топширишга, 18555 бош қўзини боқишга қолдиришга қарор беришган.

Шу кунларда моҳир чўпонлар чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Бунда айниқса коммунист ва комсомоллар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Суратда: совхознинг бош чўпони Уразали Пўлатов.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

ИСТИҚБОЛ КЎЗГУСИДА

1976 йил пахтачилик учун анча ноқулай келди. Лекин деҳқонларимиз қийинчиликлар олдида саросимага тушмади, партия ташкилотлари кўрсатган йўлдан бориб, мутахассисларнинг маслаҳатларини амалга оширди, тажрибакорларнинг фикрига қулоқ солди. Энг муҳими — ғўза парвариши даврида фан-техника ютуқлари, прогрессив усулларни изчиллик билан амалга оширди. Бутун иш жараёнида машиналар қудрати, ўғитлар қувватига таяндик, ҳар литр сувдан бир ярим-икки литр сувнинг нафини кўриш учун курашдик. Коммунистлар доимо олдинги марраларда бордилар.

Бугун шуни қувонч билан айтамизки, колхозчи деҳқонларимиз 1976 хўжалик йилини 2.000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 35 центнер ўрнига 36,5 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш билан якунладилар. Ўнумдор далалардан териб олинган ҳосилнинг асосий қисми биринчи сортларга топширилди.

Правление ва партия ташкилоти йил бошидан бошлаб пахтакорлар орасида социалистик мусобақани кучайтиришга алоҳида эътибор бердилар. Йиғилишларда имзоланган мусобақа шартларининг ижроси мунтазам текшириб борилди, якуни кенг равишда муҳокама қилинди, ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик чоралари кўрилди. Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб мусобақада ғолиб чиқиш учун курашди.

Яқинда районимиз бўйлаб хушхабар тарқалди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Исоқжон Қамбаровга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, миришкор деҳқоннинг кўксини Ленин ордени, «Ўроқ ва Болға» олтин медали безади. Исоқжон Қамбаров бундай юксак унвонга пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиш, мусобақада ғолиб чиқиш йўли билан эришди. Биз меҳнатсевар йигитни юксак унвон билан муборакбод этамиз. Унинг бригадаси ўтиб бораётган хўжалик йилини ҳар гектар майдондан 45 центнердан пахта етиштириш билан якунлаганини мамнунлик билан айтиб ўтамиз.

Бошқа бригадаларимизнинг ютуқлари ҳам қувончли бўлди. Жумладан Исмонали Рўзиматов, Ҳолматжон Рўзиматов, Раҳимжон Мақсудов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ҳосилдорлик 40-43 центнерни ташкил этди. 26 та пахтачилик бригадамизнинг ҳаммаси ўз бурчини шараф билан ўтади. Бригадаларда ўртача ҳосилдорлик хўжалигимизнинг умумий кўрсаткичи даражасида бўлди. Фақат янги ўзлаштирилган ерда ташкил қилинган битта бригадамиздагина ҳосилдорлик 30 центнерда қолди.

Бу рақамларни келтиришдан мақсадимиз шуки, 1977 йилда хўжалигимиз бўйича гектаридан камида 40 центнердан пахта етиштиришга азму қарор қилдик. Бунга асосан ҳосилдорликни кўтариш йўли билан эришамиз. Бригадаларимизнинг ҳаммаси тупроқ унумдорлиги, ўғитлар ва техника воситаларини ҳисоба олиб, юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Шуни мамнунлик билан қайд этамизки, янги йилда хўжалигимиз бўйича гектаридан 40 центнердан кам ҳосил оладиган бирорта бригада бўлмайди, ҳатто янги ўзлаштирилган ерда ташкил қилинган бригадамизни ҳам ҳосилдорликда пешқадам бригадалар даражасига кўтарамиз. Ҳосилнинг калити меҳнат эканини колхозчи деҳқонларимиз яхши биладилар. Шунинг учун ҳам ҳозирданоқ янги йил ҳосилига пухта тараддуд кўрмоқдалар.

Яқинда правление ва партия ташкилотининг қўшма мажлиси ўтказилди. Унда хўжалик йилининг дастлабки якунлари батафсил муҳокама қилинди. Колхозимиз пахтачилик, хусусан теримни комплекс механизациялашда катта муваффақиятларга эришгани алоҳида таъкидланди. Азамат механизаторларимиз ишнинг оғирини забардаст машиналар гарданига ортдилар. Чигит экишда турли схемалар қўлланилиши муносабати билан чопиқ тракторлари, терим машиналари, механизм-агрегатларни шу схемаларга тезкорлик билан мослаштирдилар, унумли ишлашини таъминладилар. Бунинг самараси эндиликда яққол кўзга ташланмоқда.

Колхозимиз бўйича машиналарда 2.100 тонна пахта териш кўзда тутилган эди. Механизаторларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли бункерлардан 2.725 тонна дурдона тўкилди. Машиналар шарофати билан биринчи сорт пахта миқдори кўпайтирилди. Бу эса ялпи даромадни оширишда катта роль ўйнади. Собиржон Мақсудов, Субхонали Қозоқов, Эргашали Давкаров каби ўнлаб механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири бункерлардан 200 тоннадан пахта тўкиб, карвонбошилик қилдилар. Ҳар бир машинанинг мавсумдаги иш унуми 100 тоннадан ошиб кетди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, хўжалигимиз бўйича барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планлари тўла ва ошириб адо этилди. 600 бош қорамолга мўлжалланиб қурилган комплекс сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтиришда муҳим омил бўлди. Пиллачилик, ғаллачилик, мевачилик, сабзавотчилик тармоқлари ҳам катта иқтисодий фойда келтирди.

Одатда, ҳар бир хўжалик ўзининг ички резервларини инобатга олиб режалар тузади, меҳнаткашлар оммаси ана шу режаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб пешана тери тўкади. Биз йил бошида пахта ва бошқа турдаги маҳсулотлар етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириб, ялпи даромадни оширишнинг истиқбол планларини белгилаган эдик. Ҳалол меҳнат, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш йўли билан шу мақсадимизга эришдик. Фақат пахтачиликдан 4 миллион 267 минг сўм даромад олдик. чорвачиликдан келган даромад эса 800 минг сўмдан знёдроқ бўлиши кутилмоқда. Бир киши кунининг қийматн 6 сўмдан кўпроққа тўғри келади. Механизаторларимиз ва сувчиларимиз ҳар ойнга ўртача 200-250 сўмдан иш ҳақи оладилар. Пландан ташқари топширилган пахта учун бериладиган мукофот пули, шахсий томорқасидан келган даромад бу ҳисобга кирмайди. Колхозчи-деҳқонларимиз чинакам бахтли ва фаровон ҳаёт эгаси бўлиб қолдилар.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети доно сиёсатининг самарасидир.

Хўжалик йилининг дастлабки якунларини муҳокама қилар эканмиз, асосий эътиборни янги йилнинг улкан вазифаларини тез ва соз бажаришга қаратмоқдамиз. Миришкор деҳқонлар ҳар йили куз ва қиш фаслларида мўл ҳосилга пухта замин яратадилар. Биз пахта майдонларимизнинг асосий қисмини ўғитлаб, шудгорлаб қўйдик. Ҳар гектар ерга ўтган йилдагига қиёслаганда кўпроқ минерал ва органик ўғитлар солдик. Бошқа экинлардан бўшаган ерлар ҳам ҳайдалиб бўлинди. Ёғингарчиликлар туфайли деҳқончилик қилинадиган ерларда кўпроқ нам тўпланади, зарур топилган майдонларга яхоб берамиз.

Автотрактор паркимизда 16 та ҳайдов трактори бор, 120 та чопиқ тракторига эгамиз. Шу кунларда механизаторларимиз ремонт ишларини жадал давом эттирмоқдалар. Қўлдан чиқарилган ҳар бир механизм-агрегат синчковлик билан кўздан кечирилиб, қабул қилиб олинмоқда. Сифат комиссияси ўз фаолиятини кучайтирмоқда. Механизаторларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб берганмиз. Кўклам экин мавсуми бошлангунча пахта териш машиналари, тележкаларни ҳам ремонтдан чиқариб қўямиз.

Шу куннинг муҳим вазифаси омборларни шайлаш, минерал ўғитларни тезкорлик билан ташиб олиб, қулай жойларга ғарамлашдан иборат. Ҳадемай уруғлик чигитни ташишга киришамиз.

Колхозимиз меҳнат аҳли эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, яни йилда ҳосилдорликни 40 центнерга кўтариш учун зўр уюшқоқлик билан пешана тери тўкадилар.

Қўлдош АҲМЕДОВ,
Фарғона область Қува районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхози раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАЧ...

БОШ МАВЗУ

Газетамизнинг 25 декабрь сонида «Бош мавзу» сарлавҳали матбуот обзори эълон қилинган эди. «Наманган ҳақиқати» газета редакциясидан хабар беришларича, обзор материали редколлегия йиғилишида муҳокама қилиниб, газетанинг сифат ва самарадорлик мавзусини ёритиш борасидаги ютуқ-камчилиги обзорда ўз вақтида тўғри кўрсатиб берилганлиги таъкидланди.

Газета редакцион коллегияси бу мавзудаги материаллар савиясини янада ошириш, сарлавҳаларнинг оригиналлигини таъминлаш юзасидан секретариат ва бўлимларга тегишли топшириқлар берди. Редколлегиянинг келгуси йил перспектив планида бўлим мудирлари ва мухбирларининг ижодий фаолиятини, иш сифати ва самарадорлигини таҳлил қилиб бориш кўзда тутилди.

Шу билан бирга Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги олдидан ижодий ҳодимларнинг активлигини ошириш мақсадида беш йиллик илғорларининг тажрибасини, социалистик мусобақанинг тарбиявий ролини тўлиқроқ ёритиш юклатилди.

«Наманган ҳақиқати» газетаси коллективи обзорда кўрсатилган камчиликларни бартараф эта бориб, газетанинг коллектив пропагандист, агитатор ва ташкилотчи сифатидаги ролини янада тўлароқ намоён этиш учун бутун имкониятларни ишга солади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

ҚАҲРАМОНЛАР МАНГУ ЯШАЙДИ

Редакциямиз почтасига ноябрь ойида марҳаматлик бир группа газетхонлар имзо чеккан мактуб келган эди. Хат жуда самимий, фахрланиш туйғуси билан битилган бўлиб, унда Свердлов номли колхознинг аъзоси, Узбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони мархум Мўттихон Жумабоеванинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида фикр юритилган эди.

Ушбу хат юзасидан Андижон область партия комитети қуйидагича жавоб йўллаган:

Газетхонлар ўз мактубларида қимматли фикр-мулоҳазалар билдиришган. Уларнинг бу истак, илтимослари обкомда атрофлича ўрганиб чиқилди ва Марҳамат район партия комитетига, район Совети ижроия комитетига тегишли кўрсатма берилди. Районда пахтачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган машҳур пахтакор, марҳум Мўттихон Жумабоеванинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошланди. Бир ой давомида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Жумабоева ўқиган Пушкин номли 5-мактабда унинг номи ёзилган «Ёдгорлик лавҳаси» ўрнатилади. Унинг қабрига буюст ўрнатилади. Свердлов номли колхознинг марказий кўчаларидан бирига эса қаҳрамонининг номи бериладиган бўлди. Район миқёсида Мўттихон Жумабоева номи билан аталадиган мунофот таъсис этилади.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИСТИК ИНТЕГРАЦИЯ—АМАЛДА

ДЎСТЛИК МАЁҚЛАРИ

Тугаб бораётган 1976 йил социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари янгидан-янги муваффақиятларга эришган йил бўлиб қолди. У аввало қардош мамлакатлар экономикасини ривожлантиришнинг навбатдаги беш йилликлари тўғриғ йили эди. Йилни якунлар эканмиз, фақат ўз муваффақиятларимиздангина эмас, балки бутун дўстона социалистик оиладаги ютуқлардан ҳам ҳақли равишда фахрланамиз.

Қардош социалистик мамлакатларнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги мустаҳкам ҳамкорлиги, социалистик иқтисодий интеграциянинг комплекс программасини амалга ошириш умумий ютуқларимизнинг гаровидир. Мамлакатларимиз энг муҳим халқ хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун ҳаракатларини бирлаштириб, социалистик экономиканинг сўзсиз афзалликларини бутун жаҳонга намойиш этмоқда.

Қардош мамлакатлар ўртасидаги чинакам интернационал муносабатларга жумладан, ёқилғи-энергетика каби халқ хўжалигининг асосий проблемаларидан бирини ҳал этиш юзасидан ҳаракатларни бирлаштириш ёрқин мисол бўла олади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар социалистик интернационализмнинг ленинча принципларига амал қилиб, ўз экономикаларини ўзларининг шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолдагина эмас, билъакс, шериклари эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олган ҳолда планлаштирмоқдалар.

Ҳар йили миллионлаб тонна нефти Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган Европа мамлакатларига етказиб бераётган жаҳондаги энг йирик «Дўстлик» нефтепроводи, «Қардошлик» газопроводи ва «Тинчлик» энергосистемаси бунёд этилишидан ташқари социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳозирги вақтда бир қанча йирик тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу тадбирлар ёқилғи-хом ашё соҳасида интеграция алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга олиб келади.

1976 йилда Оренбург газ конини ўзлаштириш ҳамда Оренбург— СССРнинг Ғарбий чегараси магистрал газопроводи қурилиши Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар кучи билан кенг жабҳа бўйлаб авж олиб кетди. Бу «газ дарёси»нинг диаметри 1420 миллиметр бўлиб, унинг узунлиги 2750 километрни ташкил этади. Газопровод мамлакатимиздаги ўн беш область территориясидан ўтади ва Европа марказига етиб боради. Магистрал учун фақат металлнинг ўзидан тахминан 2 миллион тонна керак бўлади. Қурилишнинг интернационал хусусияти қатнашчи мамлакатлар моддий ресурслардан ташқари мутахассислар ҳам етказиб бераётганларида кўринади. Ҳозирги вақтда трассада Болгария, Венгрия, ГДР, Польша ва Чехословакиядан келган минглаб инженер ва ишчилар меҳнат қилмоқдалар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг целлюлоза-қоғоз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида Сибирда, Усть-Илимск районида қардош мамлакатлар ҳаракати билан целлюлоза саноатининг гиганти қурилмоқда. Бу мамлакатлар ишлаб чиқариш интеграциясининг янги конкрет кўринишларидан бири «олефин программаси»ни биргаликда бажаришдир. Программада пластмасса ва синтетик толалар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилган. Уни амалга ошириш босқичма-босқич ишлаб чиқилмоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳозирги вақтда бир қанча йирик объектлар бунёд этиш мўлжалланмоқда. Улар орасида 750 минг вольт кучланишдаги СССР — ВХР кучли электрузатгич линияси қурилишини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу электр магистрали 1978 йилда ишга тушириладиган ва у СССРдан ВХР, ГДР ва ЧССРга қўшимча 6,4 миллиард киловатт-соат электр энергияси етказиб бериш имконини беради.

Ўз навбатида Совет Иттифоқи Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар территориясида саноат корхоналари қурилишида кенг қатнашмоқда.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг интеграция тадбирлари географияси кенг. Буни Руминияда изоприен каучук ишлаб чиқариш қувватларини биргаликда қуришда ҳам, қардош мамлакатлар территорияларида СССР ёрдамида бир қанча атом электр станциялари бунёд этишда ҳам, Монголияда «Эрдэнет» комбинати қурилишида ҳам, Кубада дўстлик қурилишларида ва бошқа кўпгина объектларда кўриш мумкин. Уларнинг ҳаммаси шу мамлакатлар меҳнаткашларининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган социалистик иқтисодий интеграция самараларидир.

Қардош социалистик мамлакатларда биргаликда олиб борилаётган қурилишларни «Дўстлик маёқлари» деб аташади. Уларнинг ёқиш нури ўзларининг нурафшон коммунистик келажаги сари шаҳдам бораётган халқларимизнинг магистрал йўлини ёритиб турибди.

(«Красная звезда»дан).

Эрфурт округидаги Арнштадт шаҳрида қурилаётган тара заводи Германия Демократик Республикасининг энг йирик корхоналаридан биридир. Завод бутунлай замонавий асбоб-ускуна ва техника билан жиҳозланади. Урнатиб бўлинган асбоб-ускуналарнинг бир қисми синаш мақсадида ишлатиб кўрилди ва Совет Иттифоқидан олиб келинган хом ашёдан дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди. Суратда: корхонадаги янги асбоб-ускуналарни созлаш пайти.

АДН—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ПРАГА. Социалистик Чехословакия ёқилғи-энергетика саноатининг корхоналари йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажардилар. Республика халқ хўжалиги 117 миллион тоннадан знёд кўмир олди. Электр энергия ишлаб чиқариш 7 процентдан ҳам ошиб, 1975 йил даражасидан ўзиб кетди. Шу йилнинг охиригача пландан ташқари 700 миллион кронлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

◆ ВЕНА. Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотининг бош секретари М. О. Феййде нефть саноати министрларининг Дохда (Катар) ўтказилган конференциясидан кейин бу ташкилот янада маҳкам жипслашганлигини айтди. Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти аъзолари ўртасида келишмовчиликлар, деб таъкидлади у, нефть нархини ошириш зарурлиги масаласида эмас, балки нефть нархини ошириш миқдори борасида келиб чиққан эди.

◆ ПАРИЖ. Испаниянинг Париждаги элчихонаси биноси олдида Испания Коммунистик партияси Бош секретари Сантьяго Каррильо ва унинг сафдошлари қамоққа олинганлигига қарши норозилик намойиши бўлди. Намойишда бир неча минг киши қатнашди.

◆ ПАНАМА. Марказий Америка мамлакатлари медицина ходимлари касаба союз ташкилотларининг бу ерда ўтказилган биринчи конгресси Панама халқининг бутун Панама территорияси суверенитетини тиклаш тўғрисидаги ҳаққоний талабларини қўллаб-қувватлади.

◆ КАНБЕРРА. Либерал-аграрчилар ҳукумати Австралиядаги сайловчиларнинг ёрдам ва мададидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Жамоатчилик фикрини билиш учун тарқатилган саволларга олинган жавоблар буни исбот этади. Ана шу жавоблар Мельбурндаги «Геральд» газетасида эълон қилинди. Бундан бир йил муқаддам саволларга жавоб қайтарган кишиларнинг 54 процента коалицион ҳукуматнинг фаолиятини маъқуллаган бўлса, ҳозирги вақтда сайловчиларнинг атиги 47 процентигина Фрейзер ҳукуматини қўллаб-қувватлади.

◆ ҚУВАЙТ. Қувайт ва Совет Иттифоқи бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп, музикали ва спорт телефильмлари ҳамда телепрограммаларини кенг кўламда айирбошлайди. Бу ерда ҳар икки мамлакат делегациялари имзолаган протокол шуни кўзда тутади. (ТАСС).

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

НЬЮ-ЙОРК. «Юрок консертс» компаниясининг президенти М. Голдмэн ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Ўтиб бораётган 1976 йил маданият ва санъат соҳасида Совет—Америка ҳамкорлиги учун самарали йил бўлди. Большой театрнинг балет ва опера труппаси америкаликлар орасида жуда катта муваффақият қозонди, Москва давлат филармонияси академик симфоник оркестрининг гастроли яхши ўтди. СССР халқлари санъати фестивали шу йилнинг унутилмас воқеаларидан бири бўлди. Фестиваль программасига кўра америкалик томошабинларга таниш бўлган коллективлар, чунончи М. Пятницкий номли академик рус халқ хори, Украина ССР рақс ансамбли, Грузия халқ рақслари ансамбли билан бир қаторда янги коллективлар ва солистлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Шимол халқларининг «Мэнго» ансамбли, Қирғизистондан ва Тожикистондан келган артистлар ҳам шулар жумласидандир.

Биз маданият соҳасида Совет Иттифоқи билан ҳамкорлигимизни бутун Совет — Америка муносабатлари комплексини янада яхшилаш, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш ишига қўшилган муҳим ҳисса деб ҳисоблаймиз. Биз маданият дунёсининг намояндалари учун «илиқ иқлим» муҳитида иш кўриш анча осон. Санъат кишиларни бирлаштирмоғи керак ва бизлар Америка ҳамда совет халқлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз, деди «Юрок консертс» президенти.

В. БАЙДАШИН.

НОХУШ ЙИЛ, НОХУШ ИСТИҚБОЛЛАР

ҚОҲИРА. 29 декабрь. (ТАСС). Тугаб бораётган 1976 йил Исроилдаги социал зиддиятларни жуда кескинлаштириб юборди.

Исроилнинг ҳукмрон доиралари мамлакатни янада ҳарбийлаштириш ва Америкадан яна кўплаб курол-яроғ сотиб олиш учун қилаётган жуда катта харажатларни меҳнаткашлар гарданига юклаб қўйишга ошкора интилмоқдалар. Мамлакатда пулнинг қадрсизланиши янада кучайиб, йилига 30 процентга етди. Шу йил ноябрь ойининг ўзида озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан сут, нон, гуруч, гўшт нархи 20-30 процент кўтарилди. 1973 йил октябридан бери эса 300 процент кўтарилди. «Ўрмаловчи девальвациялар системаси» деб аталган система Исроил фунтининг қадрини ой сайин икки процент пасайтирмоқда.

Исроилдаги «Фароғат жамияти» ўз аъзоларига меҳнат қилиш учун элементар ҳуқуқни ҳам таъминлай олмаяпти. Мамлакатда 47 минг ишсиз бор. Бунинг маъноси шуки, бутун ишчи кучининг 4 проценти ишсиз бўлиб қолган. Исроил иқтисодчиларининг тахминларига қараганда келгуси йилда ишсизлар 60 минг кишига етади. Хотин-қизлар баб-баравар меҳнат учун эркаклар иш ҳақининг атиги 60 процентини олмоқдалар.

ИСПАНИЯДАГИ СИЁСИЙ АҲВОЛ

МАДРИД. (ТАСС). Испания Коммунистик партияси бош секретарининг рафиқаси Кармен Менендес де Каррильо Барселонада ўтказилган матбуот конференциясида бундай деди: «Ўртоқларимнинг Компартия ижроия комитети аъзолари тез орада озод бўлади, деб қилаётган умидларига қўшиламан, аммо менинг эрим озод қилинишига шубҳаланмоқдаман».

У ўз эри ҳузурига бориш имкониятига эга эканлигини айтди ва барча суҳбатлар турма назоратчиси ҳузурида ўтказилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Каталония Бирлашган социалистик партиясининг бош секретари Грегорио Лопес Раймундо матбуот конференциясида гапириб, ўз партияси ижроия комитетининг баёнотини ўқиб берди. Бу баёнот мамлакатдаги демократик жамоатчиликни Испания Компартияси раҳбарларидан бир гуруҳининг қамоққа олинишига қарши норозилик кампаниясини кучайтиришга даъват этади.

Оппозициячи партияларнинг тўққиз вакили аъзо бўлган комиссия мамлакатда сиёсий ислоҳотлар ўтказиш ҳақида ҳукумат билан музокара олиб бориш учун тузилган эди. Социалистик халқ партиясининг раиси Энрике Тьерно Гальван ҳукумат бошлиғи А. Суарес билан учрашуви якунлари тўғрисида комиссиянинг бошқа аъзоларига ахборот беражагини айтди. Ҳукумат билан оппозиция ўртасидаги музокараларни бошлаш ҳақидаги расмий таклиф А. Суаресга топширилди.

ПОРТУГАЛИЯ ПАРЛАМЕНТИДАГИ МУНОЗАРАЛАР

ЛИССАБОН. (ТАСС). Португалия парламентида мамлакатни ривожлантиришнинг 1977 йилги иқтисодий плани ва давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш давом этмоқда. Депутатлар ўз нутқларида муҳокама учун тақдим этилган лойиҳаларни батафсил таҳлил этмоқдалар. Сўл матбуотнинг таъкидлаб ёзишича, ҳукумат таклифларидаги асосий камчилик шундан иборатки, уларни ишлаб чиқишга меҳнаткашлар жалб этилмаган. «Планларни ишлаб чиқишда меҳнаткашларнинг қатнашуви — пировард натижада шу планлар бажарилишининг ишончли гаровидир», — деб ёзади «Диариу» газетаси.

Коммунист депутат Карлуш Карвальяш республика мажлисида сўзлаган нутқида бундай деб таъкидлади: меҳнаткашларнинг ишончини қозонган чинакам ватанпарварона ва миллий, халқчил сиёсатгина мавжуд проблемаларнинг ҳал этилишини ва экономиканинг ривожланишини таъминлай олади. Карлуш Карвальяш ҳукуматнинг реакция ва империализм томонидан бўлаётган тазйиққа ён бериш сиёсатини танқид қилди. У корхоналарни собиқ эгаларига қайтариб бериш чораларини, аграр ислоҳатга қилинаётган ҳужумларни қоралади.

Ҳукумат тақдим этган қонун лойиҳаларининг меҳнаткашлар ҳақиқий эҳтиёжларига мос келмаётганлиги хусусида ташвишланаётганликларини коммунистлардан бошқа депутатлар ҳам айтмоқдалар. Социалистик партиядан сайланган депутат Айреш Родригеш ҳукуматнинг қонун лойиҳаларига қаршн овоз беришга қарор берганлигини айтди.

АФҒОНИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

КОБУЛ. 29 декабрь. (ТАСС). Афғонистон ҳукумати Лойа жирга (республиканинг катта мажлиси) монархия тузуми ағдариб ташланганидан кейин мамлакат тарихида биринчи марта сайлов ўтказишга қарор қилди.

Ҳукуматнинг Бахтар агентлиги тарқатган баёнотида қуйидагилар ўқтириб ўтилади. «1973 йил 17 июндаги революциянинг ҳақиқий ғалабаларига мувофиқ равишда Афғонистон давлатининг бошлиғи янги конституция лойиҳасини қараб чиқиш ва тасдиклаш, давлатнинг сиёсатига ва Афғонистон халқи олдида турган вазифаларга доир масалаларни муҳокама қилиш учун 1977 йил 30 январда Кобулда биринчи Лойа жирғасини чақиришга қарор қилди».

Ҳукумат якин кунларда сайлов тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

◆ СВЕРДЛОВСК.

Мовут комбинатида эскирган сўнгги агрегатлар ўрнига янги станоклар ўрнатилди.

Шу туфайли корхона газлама ишлаб чиқаришни йилига икки миллион метр кўпайтириш имконини олди. Комбинат коллективи асбоб-ускуналарни модернизациялаш ишининг анчагина қисмини ўз кучи билан бажарди.

◆ ЛЕНИНГРАД.

Теплицаларда келгуси йил ҳисобига замин яратиш соҳасдаги ҳамма технология операцияларини бажарадиган универсал агрегатларнинг биринчи туркуми бугун Молдавия сабзавотчиларига юборилди.

Ленинграддаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги эксперименталь заводи шу агрегатларни кўплаб ишлаб чиқара бошлади. Йил охиригача Болтиқ бўйи республикаларига ва Молдавияга ана шундай агрегатлардан элликтаси юборилади. Янги йилда мамлакатдаги ҳамма теплица комбинатлари шу агрегатларни олади.

◆ СЕМИПАЛАТИНСК.

Иртиш яқинидаги Большой ороли аҳолининг сув таъминотини яхшилашда Семипалатинска ёрдам берди.

Гидрогеологлар орол остидан унча чуқур бўлмаган ер ости дарёси оқиб ўтишини аниқладилар. Шу дарёнинг суви насос станциялар ёрдамида шаҳар водопровод тармоғига «уланди». Энди Семипалатинск йил бошидагига нисбатан учдан бир ҳисса кўп сув ишлата олади.

◆ ҚУРҒОНТЕПА. (Тожикистон ССР).

Қурғонтепа агросаноат бирлашмасининг соҳибкорлари бугун эндигина ўзлаштирилган янги ерларга узумнинг серҳосил навлари қаламчасини эка бошладилар.

Биринчи марта қаламчалар илғор кенг қатор усулида экилмоқда. Бу усул токзорларни парвариш қилиш соҳасидаги ҳамма ишларни комплекс механизациялаш имконини беради. Бу йил бирлашма коллективи 13 минг тоннадан кўпроқ узум ҳосили олди. Унинчи беш йиллик охирига бориб бу ерда узум етиштириш 20 минг тоннага етказилади.

◆ ФРУНЗЕ.

Жанубий Қирғизистон ёнғоқзорларидан Грузияга ёнғоқ уруғи ва кўчатларининг катта бир туркуми жўнатилди.

Қирғиз селекциячилари маданий ёнғоқнинг тезпишар навларини яратиш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Бу ердан олинган уруғ ва кўчатлар Тожикистон ва Ўзбекистонда, Краснодар ва Ставрополь ўлкаларида ёнғоқзорлар барпо этиш имконини берди. Улар Арманистон ва Молдавияда ҳам дуркун ўсмоқда.

◆ ИЖЕВСК

Ленин номли совхозда Удмуртияда энг йирик бўлган чўчқачилик комплекси ишга туширилди.

Бу комплекснинг лойиҳадаги қуввати йилига қарийб 3 минг тонна гўшт етиштириш учун мўлжалланган. Корхонанинг цехларида ҳар йили 24 минг бош чўчқа боқилади.

◆ СОЧИ

«Ўзбекистон» деб аталган янги санаторий дам олувчиларнинг дастлабки группасини қабул қилди.

Бу шифохона курортнинг хушманзара ерида жойлашган. Шифохона комплексида киноконцерт зали, ошхона бор. «Ўзбекистон» санаторийсида бир ва икки ўринли палаталар, кенг дам олиш заллари бўлиб, ҳамма хоналар миллий ўзбек услубида жиҳозланган. Янги шифохона айни бир вақтда 350 кишини қабул қилиш учун мўлжалланган. (ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ёш бадиий эҳ ёлилар билан ишлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарори барча соҳадаги ёшларни руҳлантириб юборди.

Кўриб турганингиз бу санъаткор ёшлар шуни яхши биладиларки, фақат меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат туфайлигина камолотга эришмоқ мумкин. Бу борада уларга ажойиб мураббийлар устозлик қилмоқдалар. Улар ёшларга ижод сирларидан сабоқ бериб ёркин уфқлар сари бошламоқдалар. Суратда: (чапда) Тошкент Маданий-оқартув техникуми музика ўқитувчиси Т. Абдуҳамидов 3-курс талабаси А. Муҳамедов билан машғулот ўтказмоқда. Ўртада бўлажак раққосалар ўзбек халқ ўйинларидан бирини машқ қилаётган пайт. Ўнгда ўқитувчи Усмон Илмнов 1-курс талабаларига мўйқалам сирларини тушунтирмоқда.

Ж. Тўраев фотолари.

АХБОРОТ

НАМАНГАН

ХУРМОДАН МУЛ ҲОСИЛ

Наманган боғларида хурмо дарахти йил сайин кўпайиб бормоқда. У ўзининг олтиндек товланиб турадиган йирик мевалари билангина эмас, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига ва турли хил касалликларга чидамлилиги жиҳатидан ҳам эътибор қозонмоқда. Бу йил айрим ҳаваскор боғбонлар ҳар туп мева дарахтидан 150 килограммгача ҳосил олишди. Хурмонинг кўпайишида ва маҳаллий шароитга мослашувида Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг Намангандаги таянч пункти коллективининг хизмати катта бўляпти. Таянч пунктининг каттагина майдонида шундай турдаги тансиқ мева етиштириляпти. Бу йил 16 тоннадан ортиқ ҳосил олинди. Таянч пункти мутахассислари кузда 1 минг тупдан ортиқ хурмо кўчати тайёрлаб колхоз ва совхозларга етказиб бердилар.

ЧУЛҚУВАРЛАРГА МАНЗУР

Марказий Фарғона массивида жойлашган Задарё районидаги «Гулбоғ» совхози территориясида саноат тармоқлари ҳам тез ривожланмоқда. Бу ердаги пахта заводи областда илғор корхоналардан ҳисобланади. Яқиндагина яна бир саноат нуқтаси — нон-булочка ишлаб чиқарувчи цех ишга туширилди. Янги цехда ҳозирдаёқ 20 турдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Бўрсилдоқ оби-нонлар, ширин кулчалар чўлқуварларга манзур бўлмоқда.

ДУСТЛАР ТУҲФАСИ

Областнинг қардош республикалар, ҳорижий давлатлар, айниқса социалистик мамлакатлар билан алоқаси тобора кенгаймоқда. Яқинда «Узсельхозтехника» область бирлашмаси базасига социалистик Руминиядан юборилган қишлоқ хўжалик машиналарининг янги партияси келтирилди. Бу қишлоқ хўжалик техникаси соатига 6 тоннагача маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга.

ҚИШЛОҚ АМБУЛАТОРИЯСИ

Наманган районида меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатиш тобора яхшиланиб боряпти. Ҳар йили кўплаб медицина пунктлари, шифохоналар қурилмоқда. Тошбулоқ қишлоғи аҳолиси яна бир совға олди. Бу ерда замонавий типдаги қишлоқ амбулаторияси биноси фойдаланишга топширилди. Янги медицина муассасасида жарроҳлик, ички касалликлар, гинекология ва стоматология кабинетлари бор.

МЕҲНАТГА ЯРАША ҲОРДИҚ

Кечагина меҳнат симфонияси янграган далалар бугун осуда. Боғлар, яйловлар қиш кўрпасига бурканяпти. Мўл-кўлчилик ижодкорлари — колхозчилар ва совхоз ишчиларининг энди қўллари ишдан анча бўшаб қолди. Ёз бўйи қилинган фидокорона меҳнатдан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқаришга не етсин. Касаба союзлари область комитети ишда ўрнак кўрсатган қишлоқ хўжалик илғорларидан 14 кишига мамлакатимизнинг хушманзара жойлари, гўзал шаҳарлари бўйлаб туристик саёҳат учун йўлланма берди. Улар Одесса, Сухуми, Ялта, Ботуми, Новороссийск ва Севастополь шаҳарларида бўладилар.

БОҒЛАР

Намангандаги кўчат етиштирувчи совхозда пакана дарахт ўстиришга аҳамият берилмоқда. Бу йил тайёрланган 400 минг туп мевали дарахт кўчатидан 100 минг донаси худди ана шу турдаги дарахт ниҳолчаларидир. Ҳозирда Янгиқўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», «Нанай», Чуст районидаги «Коммунизм», Наманган районидаги Тельман номли колхозларда пайдо бўлган паст бўйли боғлар ҳам кўчатчилик хўжалиги миришкорлари меҳнатининг самарасидир. Келаси йилда область бўйича яна 200 гектар ерда пакана дарахт кўчатларидан боғ бунёд этиш мўлжалланмоқда.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СУРХОН ДАРЁСИ УСТИДА КЎПРИК

Ўзбекистон жанубидаги асосий сув йўли бўлмиш Сурхон дарёси устида қурилган янги кўприк фойдаланиш учун топширилди. Бу кўприкни 19-Термиз кўприксозлик бошқармаси билан 4-йўлқурилиш бошқармасининг коллективлари қуриб беришди. Кўприк белгиланган муддатдан беш ой илгари барпо этилди.

Янги кўприкнинг ишга туширилиши Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида ва аввало қурилаётган Боботоғ канали зонасидаги янгидан ўзлаштирилаётган қўриқ массивда юк ташишни бир неча баравар кўпайтириш имконини беради.

(ЎзТАГ мухбири).

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР»: ЯНГИ УСТОЗ

«А» классидаги футбол командалари мусобақаларида қатнашадиган Узбекистон намояндалари кўпайди. Биринчи лигада Тошкентнинг «Пахтакор» командаси қатнашади. А. П. Кочетков бу команданинг мураббийси қилиб тайинланди.

Иккинчи лигада, ўтган йил мавсумда иштирок этган тўққизта команданинг ҳаммаси — «Мелиоратор» (Янгиер), «Нефтянник» (Фарғона), «Зарафшон» (Навоий), «Автомобилист» (Термиз), «Хоразм» (Хонқа), «Ирригатор» (Жиззах), «Динамо» (Самарқанд), «Пахтачи» (Гулистон), «Амударё» (Нукус) командалари қолди. Бутуниттифоқ мусобақасида қатнашиш учун андижонлик футболчиларга ҳам ўрин берилди.

Бу коллективларнинг ҳаммаси асосан ўз составини сақлаб қолди. Ҳозирги вақтда катта кўрик ўтказилмоқда — тренерлар футбол мактабларининг тарбияланувчилари билан ва ёш спортчилар билан танишмоқдалар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ҚУРИЛИШИДА

АСР ҚАСРИ

— Метромиз асримиз қасрларидан бири бўлиб қолади. Бу — аниқ.

(Метросоз Абдуқаҳҳор Худойбергановнинг сўзидан).

Кун совуқ. Емғир аралаш қор кўз очирмайди. Абдуқаҳҳор почапўстининг ёқасини кўтариб олди-да, кирза этигини дўқиллатиб, ҳовлига чиқди. Мукамбар ая ўғлининг шундай кунда ишга отланганини кўриб, ичи ачишиб кетди. Тунда олиб қўйилган яхна гўштни яримта нон билан апил-тапил қоғозга ўради-да, орқасидан югурди.

— Болам, кун жуда совуқ. Бугун бормасанг бўлмайдими?

— Бўлмайди, — деди Абдуқаҳҳор ойисига юзланиб. — Иш кўп. Туннелни байрамгача топширишимиз керак.

Она индамади. Абдуқаҳҳор дарвозадан чиқиши билан троллейбусга ўтирди. Хаёлга толди. Ёдига кечаги йиғилиш тушди. «Павел Васильевич тўлқинланиб гапирди» — пичирлади у. Кейин унинг сўзларини эслашга ҳаракат қилди.

— ...Яна бир неча кундан сўнг, — деди трест бошлиғи ҳаяжон билан. — Шаҳримиз метросозлари финиш йўлагига чиқишади. Ўрта Осиёнинг бўлажак йирик иншоотн — Тошкент метрополитени қурилишида ҳал қилувчи палла бошланади. «Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига — олтмиш зарбдор ҳафталик» меҳнат вахтаси яна кенг қулоч ёйиши, бу шиор ҳар бир бригада ва участка коллективининг жанговар программаси бўлиб қолиши керак.. Метрополитен биринчи навбатининг биринчи участкасини олтмиш йилликка қадар ишга туширишдек ҳайрли ҳаракатдан ҳеч ким ортда қолмасин...»

Абдуқаҳҳор П. В. Семёновни яхши билади. Унинг «Ташметрострой» трестига бошлиқ бўлиб келган илк кунларидан бошлаб ҳузурида кўп бўлган. Топшириқлар олган, вазифаларни ўринлатиб бажарганда раҳматлар эшитган. Бу гал ҳам шундай бўлди. Унинг ҳар бир сўзидаги «керак», «лозим» деган иборалар Абдуқаҳҳор бошлиқ откаткачилар бригадаси коллективи олдига ҳам янги вазифалар қўйди.

Туннель ичига кириш билан забой тўридан гумбаз-деворларга урилиб, акс садо билан етиб келган овоз унга аранг эшитилди.

— Ура-аа! Байроқ яна бизники!

Абдуқаҳҳор тушунди. Севиниб кетди. «Йиллик план тўлибди-да» хаёлидан ўтказди у. Узоқдан девор ёнида тўдалашиб турган кишиларни кўрди. Улар ҳозиргина илинган, ҳали бўёғи қуриб ҳам улгурмаган «Молния»ни ўқишарди:

«...Трестимиз зафар қучди. 1976 йил давлат плани барвақт адо этилди. Бош пудрат бўйича 18 миллион, ўз кучимиз билан 14,9 миллион сўмлик иш бажарилди. Йил бошидан буён қазиб чиқарилган тупроқ 405 минг куб метрни, монтаж қилинган йиғма темир-бетонлар 24,8 минг куб метрни, ичкарига ўйиб кирилган туннель 4.300 погон метрни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 7,6 процент ошди. 38,6 тонна металл, 260 тонна цемент, 130 куб метр ёғоч материаллар тежаб қолинди. Водолода Булих, Виктор Киселёв, Зиёдулла Абдуллаев, Абдуқаҳҳор Худойберганов ва бошқа ўртоқлар бошлиқ 9 злобинчи бригада коллективи трест бўйича бажарилган умумий иш ҳажмининг 27 процентини амалга оширдилар. Меҳнатда эришилган бу катта ютуқ бўйича трестимиз СССР Транспорт қурилиши министрлиги ва темир йўл транспорти ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди...»

Абдуқаҳҳор тилга олинган бригадалар орасида ўзининг ҳам фамилиясини кўриб, суюниб кетди. Вужуди енгил тортди. Бригадаси ишлаётган участка томон талпинди.

— Ўқидиларингми? — Қичқириб сўради у дўстлари томон яқинлашаркан. — Бу ҳаммамизнинг ишимиз...

— Ўқидик, ўқидик, — дейишди йигитлар бир овоздан. Салом-аликдан сўнг барча бирдек ишга шўнғиди.

...Смена тугади. Кун бўйи иш қизиб турган участкалардаги овозлар тингандек бўлди. Сал ўтмай, ер остига иккинчи смена тушиб кела бошлади.

Абдуқаҳҳор ишдан чиқиб кутубхонага борди. Техникумда ўқиш бошлангунга қадар дарсларини шу ерда тайёрлаб олмоқчи бўлди. Мутолаа қилди. Кейин ҳарбий хизматдалигида ота-бола тутинган рота командири, москвалик майор Юрий Любимовга хат ёзишга киришди:

«Қадрли Юрий Васильевич, — деб бошлади у хатини одатдагидек. — ...Юборган кичик посилкамиздан миннатдор бўлганлигингизни ёзибсиз. Арзимайди.

Бизда ўзгаришлар катта. Айниқса, Тошкент метроси қурилиши бу йил жуда авжига чиқди...»

Абдуқаҳҳор хатнинг шу ерига келганда газетада чиққан мақоласи эсига тушди. Уни Юрий Васильевичга юбормоқчи бўлди. Аввалаб қирқиб олди-да, ҳар жой-ҳар жойига кўз ташлаб чиқди. Ўқиди:

«Мен шундай азамат йигитлар билан ишлаяпманки, улардан бир зум ажралгим келмайди. Булар: Саша Радиковский, Тўхтамиш Ҳайитов, Петя Дроженко, Марат Ашуров ва яна кўпчилик. Худди армиядагидек: рус, ўзбек, белорус, украин — ҳаммасидан бор.

Абакан-Тайшет магистрали ва Новороссийск қурилишларида ишлаб тажриба орттирган машҳур туннелчилар — Михаил Фомин, Николай Мартинов, Иван Топольницкий, Анатолий Корников бошлиқ проходкачилар коллективларининг қурилиш бошлангандан буён злобинчисига ишлашаётгани суръатни тобора тезлаштиряпти. Улар ҳали орден ва медаллар олганича йўқ. Лекин, айтиш мумкинки, ҳаммаси бутун урушни яёв босиб ўтган пиёда аскарлардек жасорат билан «жанг» қилишяпти. Ҳеч ким лаҳза тиним билмайди. Тепада на зилдек тупроқ турганига, на ердан чиқаётган сувга, на атрофдаги шовқин-суронга парво қилишади. Халқ ибораси билан айтганда «тош келса кемириб, сув келса симириб» кетишяпти.

Ишга, бурчга бўлган муҳаббат кишилар ғайратини ошириб юборган. Улар Тошкент метрополитени шаҳарда транспорт хизмати кўрсатишни анча яхшилашга имкон берадиган жуда муҳим чора бўлишини яхши биладилар. Иш тўрт сменада ташкил қилинган. Ҳозир Собир Раҳимов номли, Октябрь Революцияси номли станцияларнинг ҳамма участкаларида, «Комсомол», «Халқлар дўстлиги» станцияларининг платформа қисмларида сўнгги пардозлаш ишлари кетяпти. В. И. Ленин майдони, «Пахтакор», Чилонзор ва Ҳамза номли станцияларда асосий ўтиш йўллари ниҳоясига етди. Эришаётган ютуқларимизда 1, 2, 3-қурилиш-монтаж бошқармалари бунёдкорлари, 2-туннель отряди проходкачилари ва трест автомобиль корхонаси ҳайдовчиларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги байрами нишонладиган тантанали кунларда шаҳримиз марказини жануби-ғарбий саноат зонаси билан туташтирувчи дастлабки тўққиз станция ишга тушади... Метромиз асримиз қасрларидан бири бўлиб қолади. Бу — аниқ».

Абдуқаҳҳор газета бўлагини конвертга жойлади-да, ташқарига чиқди. Кейин Хадра майдонига — қурилиш техникуми сари юрди. Йўл-йўлакай метросоз дўстлари, откаткачилар бригадаси олдида турган янги вазифалар ҳақида ўйлаб кетди. Метро ишга тушган илк кунларда бўладиган фарахли дамларни хаёлан тасаввур этди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Ёшлар ижоди. 11.00 — **Изқувар Калле саргуштлари** (бадиий фильм, 1-серия). 12.05 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Кинопрограмма. 17.05 — **Икки океан сири** (бадиий фильм, 2-серия). 18.10 — Концерт. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — **Олти айиқ ва масхарабоз Цибулка** (бадиий фильм). 20.30 — Ватан ҳақида қўшиқлар. 21.00 — **«Бизнинг биография. 1925 йил».** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Кенг давра.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Чипполино (мультфильм). 12.05 — **Салом, болалар** (бадиий фильм). 13.30 — Қўғирчоқ театри. 14.00 — **Цирк майдонига йўл** (бадиий фильм). 18.30 — Мультфильм. 18.45 — Кувноқлар даврасида. 19.15 — Сифат беш йиллигига — ишчи кафолоти (репортаж). 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Дўстлик экрани. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Концерт. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Қу вончли якунлар — янги марралар. 22.50 — **Москвани айланиб** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.30 — Немис тили. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.15 — **Рақс ўқитувчиси** (фильм-спектакль, 1-серия).

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — **Оммавий қўшиқлар.** 9.30 — Ёш композиторларининг асарлари. 11.15 — Депутат ҳисоб бермоқда. 11.30 — Экран қўшиқлари. 12.10 — **«Ўзбекистон ишчиси».** 13.00 — «Истиқбол сари» радиокомпозиция. 13.30 — Оперетталардан парчалар. 14.00 — **Миришкорлар ҳақида ҳикоялар.** 16.10 — «Музикали 1976 йил». 19.00 — Румин халқининг миллий байрами. 19.20 — **«Ёшлик»** радиостанциясининг программаси. 20.25 — Татар куйлари. 21.00 — **Меҳнат ва бахт қўшиқлари.** 22.00 — **Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.** 22.30 — «Учрашув» радиокомпозиция. 23.15 — Музикали салом.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Ўзбекистон областларида ҳаво ўзгариб туради. Айтарли ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб бир оз туман тушиши мумкин. Шимоли-шарқдан секундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ҳамда Бухоро областининг шимолида 1—6 даража совуқ бўлади. Қолган жойларда 1—6 даража иссиқ бўлиб, жанубда ҳарорат 9 даражагача кўтарилади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кучсиз шамол эсиб, 3—5 даража иссиқ бўлади.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИНИ УТКАЗИШДА ВА КАРНАВАЛ УЮШТИРИШДА

ЕНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

ЕНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ САҚЛАШ МАКТАБ, БОЛАЛАР БОҒЧАСИ, КЛУБ ВА ПИОНЕРЛАР САРОЙЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ТОПШИРИЛАДИ.

Коллектив арчаларини фақат камида иккита чиқиш жойи бўлган биринчи ёки иккинчи қаватда залнинг ўртасида мустаҳкам ўрнатиш лозим. Арча фақат 24 вольтдан кўп бўлмаган электр билан ёритилган бўлиши керак. Иллюминация учун ҳар хил рангли лампочкалардан фойдаланиш мумкин, лекин улар фақат заводда тайёрланган бўлиши керак.

АРЧАНИ ЕНДИРМАЙДИГАН СОСТАВДА ИШЛАНМАГАН ЦЕЛЛЮЛОИД УЙИНЧОҚЛАР, ПАХТАЛАР БИЛАН ЯСАТИШ

МУМКИН ЭМАС

ТАНТАНА БОШЛАНИШИДАН ОЛДИН ЕРИТИШ ВА ДАСТЛАБКИ УТ УЧИРИШ ВОСИТАЛАРИНИ ТЕКШИРИШ ШАРТ. УТ УЧИРИШ КОМАНДАСИ ЕКИ КУНГИЛЛИ УТ УЧИРИШ ДРУЖИНАЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИНИ БИЛИБ ОЛИШ ЛОЗИМ. ЭШИККА ОЛИБ БОРАДИГАН ЙУЛЛАР БУШ ВА ЭШИК ЕНГИЛ ОЧИЛИШИ КЕРАК.

ЯНГИ ЙИЛ ВА КАРНАВАЛНИ УТКАЗИШДА БЕНГАЛ УТЛАРИ ВА ҚАРСИЛДОҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН ЭМАС.

КАРНАВАЛ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ КОСТЮМЛАРИНИ ЁНДИРМАЙДИГАН СОСТАВГА ШИМДИРИШЛАРИ,

ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ

Карнавал костюмлари ва пахтани ёндирмайдиган составга шимдириш учун инструкциялар билан химикатларни кўнгилли ўт ўчириш жамиятидан олиш мумкин. Ёндирмайдиган состав билан шимдирилган костюм ва пахта ўзининг кўринишини йўқотмайди ва ёнмайди. Костюмларни крахмаллаш ва дазмоллаш мумкин.

ХОНАЛАРДА АРЧАЛАРНИ ЎРНАТИШДА ҲАМ ЕНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЭСДАН ЧИҚАРМАСЛИК КЕРАК.

РЕСПУБЛИКА КЎНГИЛЛИ ЎТ УЧИРИШ ЖАМИЯТИ.

Театр

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/XII да **Этик кийган мушук** (12.00). **Майсаранинг иши** (19.00), 31/XII да **Золушка** (12.00). **Концерт** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/XII да **Келинлар қўзголони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/XII да **Гулбаҳор қани?**

Кино

Мени йўқ бўлиб кетган десалар, ишонма — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Ҳалокат — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Миллионни қандай ўғирлаш керак — «ЧАЙКА» (12, 15, 18, 20.30).

Одиссейнинг саргуштлари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Оқ кўйлак — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

Мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларида намойиш қилинадиган спектакллар

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 январь соат 12.00 да «ҚАЛБИ ОЛОВ» (2 пардали драма)

2 январь соат 12.00 ва 15.00 да «ҚОР МАЛИКАСИ» (3 пардали эртак)

3 январда «ҚАЛБИ ОЛОВ»

4 январда «ҚОР МАЛИКАСИ»

5 январда «ҚАЛБИ ОЛОВ»

6 январда «ҚОР МАЛИКАСИ»

7 январда «ҚАЛБИ ОЛОВ»

8 январда «ҚОР МАЛИКАСИ»

9, 10 январда «ҚАЛБИ ОЛОВ»

Спектакллар соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ САНЪАТ ШИНАВАНДАЛАРИ!

1, 2 январь соат 14.00 ва 18.00 да

«ЁШ ИЖРОЧИЛАР — ЯНГИ ЙИЛ ДАВРАСИДА»

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати РАЪНОХОН НИЗОМОВА.

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати КАРИМА УЗОҚОВА

Солистлар: Шерали ЖУРАЕВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Хавасхон ИСКАНДАРОВА, Дилором ҚАЮМОВА, Ғуломжон ЕҚУБОВ, Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Абдуғаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари — Тунғун ОТАБОЕВ.

Программани — Утқир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари мактаблар Бош бошқармасининг инспектори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Лев ПЕТРОВИЧ МОРЕВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг ведомостводан ташқари соқчилик бошқармаси колективи бошқарма ходими Т. Ортиқовга онаси Маҳкам ЖУМАНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р 14917 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 303.